

674
К-25

МУРТАЗО ҚАРИШБОВ

ОНА ВА БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА...



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МАЪЛИЙ ГОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МУРТАЗО ҚАРИШИБОВ

ОНА ВА БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА...



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2016

Книга должа быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач	
--------------------------------	--

УЎК: 614.2(575.1)
КБК: 51.1 (5Ў)
Қ 25

Қаршибоев, Муртазо.

Она ва бола соғлом бўлса... [Магн] / М. Қаршибоев;
– Тошкент: «Маънавият», 2016. – 96 б.

ISBN 978-9943-04-307-7

Ушбу рисолада мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, уларнинг амалий натижалари ҳақида, юртимизда амалга оширилаётган «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурининг асосий мақсад ва натижалари, ижтимоий аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритилиб, амалий ҳулосалар чиқарилади.

Китоб ижтимоий фан соҳалари бўйича дарс бераётган ўқитувчи ва профессорлар, илмий ходим, талаба ва ўқувчилар, маънавий-маърифий тарғиботчилар учун мўлжалланган.

УЎК: 614.2(575.1)
КБК: 51.1 (5Ў)

М а с ъ л м у х а р р и р:

А. Маерулов, тарих фанлари доктори, профессор.

ISBN 978-9943-04-307-7

© «Маънавият», 2016



КИРИШ

Ҳаётда инсон учун ғоят азиз ва мўътабар бўлган сўзлар, иборалар кўп. Лекин уларнинг орасида «она» сўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳаммасидан ҳам муҳимроғи яқин, муқаддас ва мўътабардир. Одамнинг умрининг маъно-мазмунини белгилайдиган, бахту саодат, шаъну шараф, ғурур, ору номи мураббисини ҳисобланган қадриятлар ҳам оз эмас. Аммо бу борада сўз аввалида келадиган энг улуғ қадрият ҳам оналаримизнинг муборак сиймоси, она меҳри, она деб яшаш саодатидир.

Биз эзгу интилишларимиз, қутлуғ ишларимиз, барча орзу-ҳавасларимизни кўпинча бир мезон билан ўлчаймиз. Яъни, «онай зоримнинг гапини икки қилолмадим», «волидамнинг раъйига қарадим», «онагинам хурсанда бўлсин деганим», «онамнинг армонлари ушалиши, руҳи шод бўлишини истадим» деган иборалар билан ишнимиз, умримиз, касбу коримизнинг мазмуни, «аҳамияти»ни тушунтирган, изоҳлаган бўламиз. Бошқача айтганда, меҳрибон волидаларимиз бизга бир умр мадад ва суянч бўладиган, ўнгимизда ҳам, тушимизда ҳам қўллаб-қувватлаб,

ҳаёт йўлларимизни доимо офтоб каби ёритиб турадиган мукаррам зотлардир.

Она учун фарзанднинг соғлиғи, бахту канолатидан ортиқ шодлик ва қувонч, саодат борми? Нурийдасининг ороми, хузур-ҳаловати, бардам-бақувват ўсиши учун жону жаҳонини беришга тайёр бўлган она зотини табиатнинг ўзи меҳр ва саховат, вафо ва садоқат, фидойилик тимсоли қилиб яратган. Бу тимсолдан ибрат, куч олиб, мардлик ва жасоратни ҳадаи аълосига етказиб намоён этган энг буюк баҳодирлар ҳам аввало инсоний қураат манбаи бўлган она зоти олдада тиз чўкиб, таъзим қилади. Оналарнинг ярагувчилик, меҳр ва гўзаллик даҳосидан илҳомланиб, энг мумтоз куй-қўшиқлар, шеър, руқсидалар, тасвирий асарлар яратган улуг муסיқачи, шоир ва рассомлар ҳам ўз битиклари, бетакрор истеъдода ва маҳоратини биринчи навбатда она зотини мадҳ этишга бағишлайди.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб тилимизда кўплаб янги сўз ва тушунчалар билан бирга «Соғлом она – соғлом бола» деган ибора ҳам пайдо бўлди. Бу Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган стратегия асосида барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатни соғлом инсон, халқ ва миллатгина мустаҳкам, қуаратли ва пойидор қила олишини чуқур ан-

анани ҳолда олиб борилаётган оқилона сиёсий натижасидир. Ана шу эзгу мақсад «Соғлом яшаш, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деган сўзларда яққол ифодасини топади, янвали ишларимиз мезонига айланади.

Мамлакатимизнинг бош майдонида қад ростлаб турган Мустақиллик ва эзгулик монументини таркибидаги бетакрор обида – Бахтиёр она қонили ҳам халқимизнинг қутлуғ орзу-интишларини акс эттиради. Юртимизда соғлом она ва бола тарбияси йўлида олиб борилаётган энг кўламли ислохотларнинг ана шу қутлуғ мансаблар билан манتيқий жиҳатдан қанчалане боғлиқ эканини, бизнингча, бу монументга аниқрақ билан назар солган инсон албатта сезадан, ҳис этади. Яъни, оналар бахтли бўлиши учун уларнинг ўзлари ҳам, фарзандлари ҳам соғлом ва бақувват, оиласи, элу юрти тинч-осойишта, обода ва фаровон бўлиши зарур. Айнан ана шу мансаблар бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ус-тувор бўлишларини ташкил этиб келаётганини назарда тутадиган бўлсак, Бахтиёр она ҳайкали тимсолида теран ҳаётий маъно ва фалсафа мужасам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Афсуски, қарийб 130 йил давом этган мустамлакачи тузум ва мустабид мафкура даврида бутун халқимиз қатори оналарнинг соғлиғи

ҳам ачинарли ахволда эди. Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг 1936 йилда ёзилган «Бемор» ҳикоясида дарадига шифо тополмасдан қийнаётган онанинг азоб-уқубатлари реалистик лавҳаларда тасвирланади. Хотинини даволатишга қўли калталиқ қиладиган ҳикоя қаҳрамонини – Сотиболди қўшни кампирни қақришдан ўзга чора тополмайди. Табобатдан мутлақо беҳабар кампирнинг айтгани шу бўлади: «Беғуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизингизни».

Жажжи қизалоқ эрта тонгда беҳолгина ўрнидан туриб, «Худоё, аямди дайдига даво бейгин...» деган сўзларни уйқу аралаш такрорлайди.

Сотиболди баққолдан 20 танга қарз олиб, «Чилёсин», яъни Куръони каримнинг «Ёсин» сурасини қирқ марта ўқитади. Бемор бироз сийгиллашгандек бўлади ва эридан илтижо қилиб сўрайди: «Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман. Қизимни саҳарлари уйғотманг».

Аслида, аёлнинг «энди тузукман» дегани жигарбандини ўйлаб қилаётган меҳрибончилиги эди, холос. Дара устига чипқон, деганларидек, ўзи тортаётган азоблар етмаганидек, қизининг қийналишини ҳам кўриш беморнинг эзилган бағрини багтар қон қиларди. Қизгинаси тинчги-

на ухлаб, ором олиши, соғлом ўсиши учун оналар унингга ҳам рози. Охири шундай ҳам бўлади: «Худоё, аямди дайдига даво бейгин...» деганча қолаверади, онаси эса уни Оллоҳ ҳукмига ташлаб, боқий дунё сари йўл олади.

Олдин ҳаётий манتيқ асосида хулоса чиқарилган бўлсак, халқимиз бошидан кечирган кезатги кыр ва қора ўтмишнинг бундай лавҳаларини аналло, ҳеч қачон қайтарилмаслигини исбатлаймиз. Шу билан бирга, агар она соғлом бўлганида, унинг қизи ҳам вақтида ухлаб, вақтида олдотганиб, она меҳридан баҳраманда бўлиб, соғлом-саломат, шоуу хуррам вояга етган бўларди. Хотини ва қизининг тетик ва бардамлигини кўриб, ҳеч шубҳасиз, Сотиболди ҳам хурсандчиликдан дунёга сигмасдан юради. Қисқаси, бутун она бахтли-саодатли умр кечирган бўлар эди. Шу мавзуда, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, она бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади» деган сўзларида кечаги ва бугунги ҳаётимиз сабабларидан келиб чиқадиган чуқур ҳикмат, фалсафа мужассам.

Албатта, бундан 80 йил олдин вақти келиб юртимиз мустақилликка эришиши, Ўзбекистонда инсоннинг қаар-қиммати, барча ҳуқуқ ва эркинликлардан, ижтимоий-сийсий шароитлардан фойдаланган ҳолда, тўлақонли яшаши,

меҳнат ва ижод қилиши билан боғлиқ бошқа ма-
салалар қатори она ва бола саломатлигига ҳам
давлат миқёсида улкан аҳамият берилишини ҳеч
ким тасаввур қилолмас эди. Лекин устоз Абду-
ла Қаҳҳор «Бемор» ҳикоясида мустамлакачи-
лик даврида инсон саломатлиги мутлақо эъти-
бордан четда қолганини, тиббий хизматнинг
ҳатто энг оадаий усул ва воситалари ҳам йўлга
қўйилмагани туфайли минг-минглаб оналар,
гўдаклар мислси азизият чекканини дара чангал-
да ўртанаётган бир аёл тимсолида бадий-тарн-
хий лавҳаларда кўрсатиб беради.

Иисон ҳаётинга ана шундай беписанда муноса-
бат қандай оғир оқибатларга олиб келди?

Мустақил Аавлатимиз асосчиси Иислом Ка-
римов 1991 йида августда, истиқлолдан олдин
бу ҳақда катта дара ва изтироб билан гапи-
риб, куйидаги фикрларни алоҳида таъкилла-
ган эди: «Бизга кўп нарсалар ваъда қилинди.
Республикамиз пахта мустақиллиги йўлида
анча қурбонлар берди (бу ва кейинги ўринларда
таъкид бизники – М.Қ.). Биз, энг аввало, аҳолини
гўшт, сут ва бешма озиқ-овқат маҳсулотлари,
халқ истеъмолчи моллари билан таъминлаш ма-
салаларида қарам бўлиб қолдик. Экология тўла
бузилгани тўғрисида гапирмай қўя қолайлик.
Бу ўринда кишиларнинг **захарлангани ва улар
умрининг қисқарганини** айтиб ўтиш kifой.

буларнинг барчаси КПСС Марказий комитети-
нинг партия шиори остида олиб борган сиёсати
натижаси эди. Буларни тўғридан-тўғри ва ошко-
на ва айгини керак, бу сиёсат Ўзбекистонни жар-
кандга олиб келди, уникашқоқлаштириб юбор-
ди. Инан, ўзингизни ўзингиз боқа олмайсиз
ва сизга берилётган ҳар бир садақа учун Мар-
казга миннатдорлик билдиришингиз керак, деб
иниқтиришди» (Иислом Каримов. «Ўзбекистон
истиниқчилиқка эришиш остонасида». Тошкент,
«Ўзбекистон» нашриёти, 2011 йил, 384-бет).

Ина бир мисол: «Аслида юртимизда вазият
жар ёқасига келиб қолган, одамларнинг сабр-
инсонияти тўлган, уларнинг турмуш шароити жуаа-
нонр эди. Буни яшаш даражаси бўйича Ўзбеки-
стон унбешта республика ичида энг пастки ўрин-
ларга тушиб қолгани, уч-тўртгалаб оила ката-
лабдан қовилларда тикилиб яшагани, ишсизлик,
инилар ва болалар ўлими кескин ошиб кетгани
дан тасаввур қилмайди» (Иислом Каримов. Она юрти-
нинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хиз-
мат қилгани – энг олий саодатдир. Тошкент, «Ўз-
бекистон» нашриёти, 2015 йил, 82–83-бетлар).

Ҳақиқатан ҳам, 1990 йилда юртимизда бола-
лар ўлими собиқ Иттифоқда энг юқори кўрсат-
кини – 34,6 промиллени, яъни тирик туғилган
ҳар мингта чақалоққа нисбатан 34 нафарни
ғайибна этган эди. Ўзбекистонда СССР даврида

Оналар ўлими бўйича ҳам ана шундай ачинарли ҳолат ҳукм сурарди. Яъни, ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан оналар ўлими 65 нафардан ортиқни ташкил этарди (*Статистика тўплами. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йиллари мўлжалланган прогнозлари. Тошкент, «Ўзбекистон» наشريёти, 2011 йил, 95-бет*).

Буюк Юртбошимиз Ислам Каримов 1989 йил 23 июнда – Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаши билан, барча соҳаларда бўлгани каби, Тиббиёт йўналишида, жумладан, она ва бола Саломатлигини сақлаш борасида ҳам йиллар давомида ҳал қилинмасдан, тўпланиб, газак Отиб келаётган ўта жиддий муаммоларни ечиш, Миллатнинг генофондини асраш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақида аниқ дастурий вазифаларни улкан жасорат билан кун тартибига қўйди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳаётга жорий этилган кўплаб лойиҳаларнинг асоси, Тамал тоши айнан ўша суронли йилларда, мустабид тузум, ҳукмрон коммунистик мафкура ўз ҳукмини ўтказиб турган мураккаб бир даврда қўйилгани диққатга сазовордир.

Бу ҳақиқатни тарихий мисоллар ҳам тасдиқлайди. 1990 йил 5 июнда республика миқёсида

ўтказилган йирик бир мажлисда Ўзбекистон раҳбари қуйидагиларни таъкидлайди: «Миллатнинг зурриёа фондиди, ҳеч муболағасиз айгани мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг қўламли тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо аллақачон вилоятлар даражасидан чиқиб, умумдавалат вазифаси даражасига кўтарилди. Аммо бу соҳадаги кўпчилик раҳбарларнинг ташвишланётгани унча сезилмаётир. Ҳар ҳолда, Соғлиқни сақлаш министрлигидан ҳам, ҳукуматдан ҳам ҳозиргача эътиборга сазовор асосли таклифлар тушайтгани йўқ.

Маҳаллий ва республика даражасида *тиббий муассасаларни ташкил этишнинг пухта ва тўлақонли системасини ишлаб чиқиш*, шаъронтимизни ҳисобга олган ҳолда, илғор чет эл тажрибасидан фойдаланишимиз керак. *Иштирослашган йирик даволаш марказлари* қишлоқ ва шаҳар касалхоналари кенг шохобчалари билан қўшилиб, ана шундай системанинг асосий бўлинига айланиши керак. Республикада бундай системани вужуға келтиришга асос солинди. Яқин йилларда кардиология марказини, она-микрохирургияси минтақавий марказини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказини, урология маркази ва шу сингариларни яратиш мўлжалланган...

Яна бир муҳим масала. Оила врачлари вазифини қайта тиклаш керак» (*Ислоҳ Каримов. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасидан Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2011 йил, 205–206-бетлар*).

Маълумки, мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида самарали ишлар амалга оширилди. Бу тизим беҳуданинг ҳиммати ҳисобланади. Шунингдек, унинг таркибига юқори даражада малакали тиббиёт кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган марказлари, кўп тармоқли вилоят шаҳар ва туман шифохоналари қиради. Бугунги кунда юртимизда оилавий поликлиникалар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда «Соғлом она – соғлом бола» дастури асосида амалга оширилган ишлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Таъкидлаш керакки, бундай кенг кўламли ушбу ишларни амалга оширишнинг асосий асоси 1990 йилда, юқорида зикр этилган маърузада белгилаб берилган эди.

Узоқни кўзлаб, изчиллик билан олиб борилган ана шундай кенг кўламли ишлар натижада мустақиллик йилларида мамлакатимиз

да яна 10,5 миллионга кўпайди, одамларнинг умидорлиги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўрта умидорлиги 75,8 ёшга узайди, оналар ўлими 3,2 баробар камрашди.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада юртимизда 1997 йилдан бундан буён ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, юртимизнинг манфаатларини ифода этадиган устувор асосларнинг аниқ белгилаб олинаётгани ва юртимизнинг ижтимоий таъминлаш учун давлат дастури қабул қилиниб, самарали амалга оширилишига ҳам беқиёс аҳамиятга эга бўлмоқда. Агар ана шу йилларнинг номларини эътиборга олинган бўлсак, уларнинг барчасида, бошқа юртимиз масалалари қатори, оналар ва болалар саломатлигига ҳам катта эътибор берилганлигини кўрамиз: 1997 йил – «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил – «Оила йили», 1999 йил – «Аёллар йили», 2000 йил – «Соғлом авлод йили», 2001 йил – «Оналар ва болалар йили», 2002 йил – «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил – «Обод маҳалла йили», 2004 йил – «Мухаррам ва мурувват йили», 2005 йил – «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2007 йил – «Ижтимоий ҳаёт йили», 2008 йил – «Ёшлар йили», 2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 йил – «Баркамол авлод йили», 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

йили», 2012 йил – «Мустақкам ойда йили», 2014 йил – «Обод турмуш йили», 2014 йил – «Соғлом бола йили», 2015 йил – «Кексаларни эъзозлаш йили».

Энг муҳими, бу йиллар мантиқан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг барчасида бош ғоя сифатида инсон қадр-қиммати ва халқимиз манфатлари турганини кўрамиз. Юртимизда 2016 йилга «Соғлом она ва бола йили» деб ном берилиши ҳам ана шундай мантиқий узвийлик натижаси ва у ўтган йиллар давомида юртимизда инсон, унинг манфаатлари йўлида амалга оширилган ишларни янги, янада юқсак босқичга кўтариш, барчамиз учун ана шундай эзгу ҳаракатда иштирок этиш имконини бериши билан ғоят муҳим аҳамиятга эга.



«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ

Тарихдан, ривожланган мамлакатларнинг бугунги тараққиёт тажрибасидан аёнки, ўз келажагини ўйлаган халқ, давлат халқини ва бу халқнинг зоти зурриёди, ҳаёт ва турмуш шартшароитлари давом этишида ҳал қилувчи вазифани адо этадиган аёл зотини улуғлайди, бўлажак оналар – қизларнинг саломатлиги ҳақида қайғуради. Биз ҳам Ватанимиз истиқлолидан кўнг дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашдек улуғ вазифани ўз олимизга олий мақсад қилиб қўйдик. Бу йўлда бутун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини юксалтириш, жумладан, юртимиз аҳолисининг долмий эътиборга муҳтож қисмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки, ўрни ва нуфузини ошириш масаласига улкан аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг деярли барча нутқ ва маърузаларида бу борадаги ишлар таҳлил қилиниб, долзарб вазифаларга эътибор қара-

тиб келинди. Хусусан, хотин-қизларнинг оила маҳалла, жамият ҳаётида тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик муҳитини мутахамлаш, ёш авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, иқтисодийетимизнинг турмуш соҳа ва тармоқларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссасига юксак баҳо берилган бежиз эмас. «Аёлни ҳурмат қилсак, миллатни ҳурмат қилган бўламиз», деб таъкидлар эди Юрбошимиз.

Айниқса, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юр்தларини битириб, юксак орзу-умидлар билан катта ҳаётга қадам қўяётган қиз болалар ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиш мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тараққиётида алоҳида ўрин тутиб келаётгани барчамизга яхши маълум. Бундай чуқур ўйланган сиёсатнинг моҳияти ва фалсафаси ҳақида сўз юритар экан, Биринчи Президентимиз кўйдагиларни алоҳида таъкидлайди: «Қиз болалар – бу бўлғуси она, фарзандларимизнинг тарбиячиси. Эртанги авлод – бу Ўзбекистоннинг келажаги дегани. Қишлоқларимизнинг тарбиячиси. Эртанги авлод – бу Ўзбекистоннинг келажаги дегани. Қишлоқларимизда агар қиз болалар бўлмаса, ўз орзу-ниятларини амалга ошира олмас, бу ҳоким бўладими, прокурор бўладими, бошқа мутасаддилар бўладими, шунини

СОГЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ

қизларнинг кўйиши керак, бундан қонунга менсимаган қарагандек қабул қилиниши зарур. Ана шу қизларимизнинг ниятларини, албатта, рўёбининг қизларини керак, улар, албатта, бахтли бўлиши керак» (Ислом Каримов. Она юртимиз бахтли қизларимиз ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиши керак. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2015 йил, 232-бет).

Қизларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берилиши – аждоғларимиздан ўтиб келётган эзгу анъаналаримиздан бири. Қизларга, келинларга эътибор – туғилажак фарзанд ва набираларга, келажакка эътибор эканини теран англаган халқимиз бу борада асрлар давомида бутун бир қадриятлар тизимини яратгани айтиши шу ўта муҳим ҳаётий масалада адасмаслик, тўғри йўл тутишда мустақкам омил бўлиб келган.

Бу масала адабиётимиз тарихида қанча баъдий асарлар учун бош мавзу бўлгани сир эмас. Атоқли адабимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини эста олайлик. Отабек Марғилонда, устоз Ўткир Ҳошимов таъбири билан айтганда, қалбига қулоқ тутиб, Мирзакорин қутидорнинг қизи – Кумушбигига ўйланади. Тошкентнинг энг сара қизларидан танлаб келин қиламан, деб юрган Ўзбекоким доғда қолади. Ота-онанинг бир умрлик нияти барбод бўлади, Алишер Навоий бобомиз таъбири билан

айтганда, орзу-хавас хирманига ўт тушади, «эм журт ўртасида нима деган одам бўлдиқ?» деган андиша ўртада кўндаланг бўлади. Марғилонлик келиннинг амалда қандай экани Ўзбекиймнинг заррача қизиқтирмайди. Чунки, ўша даврдаг кўпгина оналар каби, у ҳам амалий ҳаёт талабига кўра эмас, балки анъанавий урф-одаг турмуш оқимида ўйлаш, фикр юритишга ўғрашиб қолган, бу борада ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйишга уринишдек озгина кеккайиш ва манманлик ҳам йўқ эмас эди. Унингча, бегуно Кумуш, севги изтиробларига кўксини очган марғилонлик келин гўзал ва покиза, вафодор ва оқила аёл эмас, аксинча, ўғлининг бошини мақдур хийла билан айлантириб, ўзига боғлаб олган афсунгар, хийлагар бир «кашмири».

Албатта, она сифатида Ўзбекиймни тушуниш мумкин. У ҳам, барча оналар каби, кўзининг оқу қораси, яккаю ягона ўғлининг муносиб умри йўлдошига эга бўлишини истади. У Кумушнинг кўрмаган. Инсон зоти эса кўрмасдан туриб бир нарсага тўлиқ ишонмайди. Энг ёмони ҳукмфармо бегойим сифатида элу юрт ўртасида унча-мунча одамни тан олмайдиган, «кашлишим ераа қолган эмас» деб ҳамма жойга ҳам боравермайдиган Ўзбекиймнинг ҳеч бир маслаҳатсиз, урф-одаг ва тўй-томошасиз келинлик бўлиб қолгани ўша анъанавий жамият киши-

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ
нинг тасаввурига асло сикмас, буларнинг зарчаси унинг учун ҳақиқатан ҳам уятсизлик, адибсизлик намунаси бўлиб туюлар эди. Албатта, керакли шаръий маросимларнинг барчасини бажарилган, Отабек ҳеч қандай гуноҳ иш қилмасдан, расму таомили билан бир бокира қизга уйланган эди. Лекин буларнинг ҳаммаси Тошкентданузоқда, Марғилонда бўлиб ўтган-да. Буларни кўрмаган мараум, аҳли Тошкент бунга қандай ишонсин? Ўзбекиймнинг ўзи ишонган тақдирда ҳам элу халққа бу гапни қандай тушунтириб, изоҳлаб беради? Тушунтирган тақдирда ҳам тўй ҳисобидан бир чуқум ош емаган одам бу гапга ишонадими? Шунинг учун ҳам она ва ўғлининг қарашларида зиддият бошланади.

Ёдингизаадир, машхур «Маҳаллада дув-дувган» бадий фильмида ҳам шунга ўхшаш сюжет бор. Буюк санъаткор Лутфихоним Саримсоқова маромига етказиб ижро этган Меҳри ая Москвада ўқиб юрган ўғли юборган «сурприс» – антиқа соғга, яъни архитектор қиздан ёлғиз фарзанди онасидан берухсат уйланиб олганини эшитар экан, худди Ўзбекийм сингари, ғазаб отига минди, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Чунки унинг ҳам оналик орзу-истаклари, кўнглига туққан ниётлари бисёр эди. Архитектор қизининг, ўзини кўрганмисиз, кўрсангиз, балки ёқиб қолар, деган сўзларига Меҳри хола, «кўрмасам

ҳам биламан, тиши сўйлоқ, ўзи, ўзи анди» деб «ғойиб»дан тушган келинини дунёдаги жанг ёмон сўзлари билан «таъриф»лайди. Негизи айнан шу келин унинг ширин орзулари, оқлик ғурурини, гарчи вақтинча, ҳақиқат паранди очилгунча бўлса-да, чиппакка чиқаради.

Қолгани сизга маълум, ҳурматли ўқувчи, бекойим ҳам, Меҳри хола ҳам келинларнинг кўзлари билан кўргач, танигач, уларнинг ҳусни одобига маҳлиё бўлиб, аслида ўғиллари улар истаган, орзу қилганидан ҳам аъло қизларига топганларини очиқ бўлмаса-да, ич-ичидан тасолишади. Албатта, Меҳри холанинг «сурриё» воқеаси, совет тузуми даврида бўлгани учун одатдагидек бахтли якун топади. Аммо Ўзбекистоннинг «орзу-ҳавас» можароси фожиа билан тугайди.

Табийки, бундай воқеа-ҳодисалар ҳаётда ҳам кўп учрайди. Лекин бундай ҳолатлар оналарнинг феъли хўйи қай даражада намойиш бўлмасин, уларнинг келин танлаш борасидаги «инжиқлик»лари замирида ягона эзгу мақсад менинг болам энг яхши қизга муносиб, у албатта бахтли бўлиши керак, унинг бўлажак фарзандлари ҳаммадан кўра соғлом, чиройли ва ақдан бўлиши лозим, деган орзу-умидлар мужассам.

Маълумки, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётига оид муҳим ташаббуслар

қизлари сураб экан, мустақиллигимиз асослари Ислам Каримов биринчи навбатада, уларнинг ягона моҳияти, ҳаётий фалсафаси ҳақида гаплашиб, тарихий ва маънавий асослари, ижтимоий ҳаётини тўғрисида атрофлича фикрларини айтиб берди. У киши 2015 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» газети анжуманлар саройида ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида ҳам шундан шундай ёндашув асосида 2016 йилни юртимизда «Соғлом она ва бола» йили деб эълон қилди. Нани, кириб келаётган янги йилга шундай янги беришнинг ижтимоий, маънавий-фалсафавий асосларига эътибор қаратади.

Бундан оламада ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталиши бебаҳо неъмат бор экан, фарзанд онгли инсон жондан азиз фарзанднинг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-умидлар билан яшайди, ўз зурриёдинини ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишига интилади», деб таъкидлади Биринчи Президентимиз (Ислам Каримов. *Асосий вазифамиз ва асосий қадриятимизни ислоҳ этиши ва демократлаштириши мамлакатимизни модернизация қилиши* фарзандларини янги бошқича кўтаришдан иборат. Тошкент, «Ўзбекистон», 2015 йил, 33-бет).

Қандайдан ҳам, инсон умри, ҳаётига маъно-маъна берадиган, биз учун олам ичра яна бир

бетақрор олам бўлган мўъжиза – оиладир. Инсоният тарихидаги қадрият ва анъаналар, ахлоқ одоб қоидалари, муқаддас ҳис-туйғу ва тушунчаларнинг аксарияти ана шу ижтимоий тузилма билан чамбарчас боғлиқ. Оила тимсолида одамзоа ўзига ватан, бахту саодат топади. Жаҳонда ҳеч бир табиб даво тополмайдиган дардларига оила даврасида, суюкли ёри, фарзандларининг меҳри ва эътиборидан даво топади, ҳеч бир алома жавоб тополмайдиган саволларига оила муҳитида жавоб топади.

Оилани янада гўзал ва мустақкам қиладиган, унинг анъаналари давомийлигини сақлайдиган, келгусида муқаддас қўрғондек асраб-авайлайдиган таянч куч эса фарзанддир. Фарзандлар борлиги учун ҳам оилавий ҳаёт, у билан боғлиқ кечинмалар, урф-одатлар, ҳатто муаммолар ҳам ҳеч қачон жонга тегар даражада эскирмайди, аксинча янгиланиб, ўзгача маъно-мазмун, файзу тароват касб этиб бораверади. Фарзанддан фарзанд – набира ва чеваралар, эваралар туғилади, бутун бир авлод, сулола шаклланади. Уларнинг барчаси насл-насаби тоза, зурриёди – ген харитаси пок ва соғлом бўлиши учун аввало, шу авлоднинг тамал тошини қўядиган ота-она, улардан дунёга келадиган фарзандлар бардам-бақувват бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждоқларимиздан бизга

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ

ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган аввалий интилиш экани, инсоннинг насл-насаби, етти пуштининг тозаллиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор бериш ота-боболаримиз, элқимиз учун асрлар давомида миллий турмуш ва тафаккур тарзининг ажралмас қисмига айланиб кетгани юқорида зикр этилган маърулада алоҳида қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, Соҳибқирон Амир Темурнинг жажжи набираси – Муҳаммад Тарағайни «Улуғ бегим» деб қанчалик эъзозлаганини эсга олинг. Ёки яна бир буюк аждоқимиз – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўнғич фарзанди Ҳумоюн мирзонинг оғир дадан соғайиши учун ҳатто азиз жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлганини ёлга олайлик. Бу ҳақда «Бобурнома» муаллифининг ўзи қуйидагиларни ёзади: «Ва Муҳаммад Ҳумоюн Санбалғақим, анинг жойгири эрди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эди: зоҳиран, ани ери ва суйи хушқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. Тоинки биз эшиттук, фармон берилдиким, Дехлига келгуб, Дехлидин кемага солиб келтирсунларким, ҳақими хозиқлар кўруб, дардига даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзга еткурдиким, ушмундоқ дардларга дар-

ҳасратида қанчадан-қанча оналарнинг бир умр йўл қараб ўтгани, фарзанда доғи уларнинг қалбида ҳеч ўчмайдиган жароҳат бўлиб қолгани тарихдан маълум. Атоқли шоиримиз Гафур Ғулом сатрлари билан айтганда, бундай соғинч туйғуларини ўша пайтда барча ота-оналар бошидан кечирган:

Не қилса отамен, мерос ҳиссийёт...

Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,

Қутаман, узоқдан кўринса бир от,

Келяпти, дейман кўринса губор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак,

Соғинган кўнгилга берар тасалли.

Кўчатлар қоматин эслатганидек,

Нафасин уфурар тонготар ели.

Кечқурун ош сузсак, бир насиба кам,

Қутаман бировни – аллақимимни,

Доимо умидим бардам бўлса ҳам,

Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир галат ўқ ё хавфу хатар

Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...

Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,

Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.

Азиз китобхон, совуқ хабар келмасдан тундир шунча изтироб, зидадиятли кечинмалар билан яшаган ота-оналар ўғли ҳалок бўлгани-

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИПИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ
ни эшитганидан сўнг уларнинг қалби, юраги қинчалик қайғу-аламга тўлганини тасвирлаб, ушбу билан ифода этиб бўладими?

Жигарбандини кутиб, эртаю кеч алам ва изтироблар, фарзанд соғинчи билан яшаган мушунтилар оналарнинг ҳолати азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри марказидаги Хотира майдонида қад кўтарган Мотамсаро она хайкали тимсолида яққол акс эттирилган. Бу она қиёфасида алаҳшатли уруш туфайли халқимиз бошидан кечирган оғир синов ва машаққатлар тарихини ҳар сафар янгитадан ҳис этамиз.

Она қалби фидойилик рамзи, Яратганнинг шунчалик буюк мўъжизасики, фарзанди неча ёшда бўлмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, доимо болам деб яшайди. Буни юракдан ҳис этиш учун устоз адабимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» китобини параклаб чиқиш кифоя, деб ўйлаймиз.

Бу ҳақда нафақат таниқли олим ва ёзувчиларнинг, балки оадий юрташларимизнинг ҳаётий кузагишлари ҳам диққатга сазовордир. Масалан, кўп йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида элу юртимизга самарали хизмат қилган самарқандлик меҳнат фахрийси Абдушукур Муҳаммадқуловнинг фикрларига эътибор берайлик: «Онам кексайганларида барча фарзанд ва набираларини дуо қилиб ўтирар эди.

Менга, ҳамisha опангдан, сингилларингдан хабар олиб тургин, деб тайинлардилар. Қизлар мунглик бўлади, улар дуоғўй, бировнинг хасми, шунинг учун уларадан ҳол-аҳвол сўраб туриш керак, деган гапни кўп такрорлар эди. Қизларнинг иззати шунчалик эканки, агарда отаси ёки ака-укалари мунглигини, яъни қизи ёки опа-сингилларини кўриш учун боряпман, деса, ҳатто беда-поядаги йўнғичқалар ҳам икки томонга эгилиб, борувчига йўл очиб берар экан, деган ҳикматли гаплар билан менга насиҳат қилардилар...

Ёшимиз олтимишдан ошганида ҳам биз у киши учун ёш бола эдик – кечқурун ишдан келганимизда, болам, чарчамай келдингизми, деб кутиб олар, кейин дарҳол, қани, овқат, чой олиб келинглар, деб ғамхўрлик қиларди. Яна, ишда қорнингиз оч қолиб юрмасин, деб тайинлар эди. Кўпинча кечаси ухлаганида усти очи-либ қолмадимикан, деб безовта бўларди. Баъзан тўйдан, меҳмондорчиликдан келсак, қараб қўйинглар, аўстаман (яъни, ерга қараб) ётиб оғзи бекилиб қолмасин, деб хавотирланарди. Кечқурун уйқудан олдин ёстиқнинг тагига пичоқ қўйиб ётгин, эрталаб кийимларингни кийишда бир қоқиб, шундан сўнг кийгин, ма-боодо ичига жондор-пондор кириб қолган бўл-масин, деб тайинлар эди. Сингилларимникидан бирон-бир тансиқ овқат – пичакми, филминдими

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИПИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ
келса, шундан аканга ҳам турсин, деб бир чет-га ажратиб, алоҳида олиб қўрайди» (*Абдушукур Муҳаммадқулов. Умр ҳикматлари. Тошкент, «Маънавият», 2014 йил, 101–102-бетлар*).

2016 йилнинг апрель ойи. Россия ва Финландия давлатлари чегарасида Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистондан чиқиб, ривожланган Европа давлатларига ўтиш, ўша юртлардан бошпана топиш илнжидда бўлган бир гуруҳ муҳожирлар тўпланиб қолади. Уларнинг орасида икки нафар жажжи қизалогини кўтариб олган навжувон афғон аёли ҳам бор эди. «Мен фарзандларимнинг бир умр кўрқув ва ҳадикничида, хавотирга тўлиб яшашини истамаман, – деди бу жувон «Россия-24» телеканали мухбирига. – Уларнинг соғ-саломат бўлиб вояга етиши, замонавий цивилизация имкониятларидан баҳраманд бўлиб яшашини хоҳлайман».

Ўзга юртлардан бахт излаб йўлга чиққан бундай ота-оналар бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида сарсон-саргардон бўлиб юганини деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали кўраемиз. Бу ота-оналар шундай оғир ва хатарли сафарга фарзандларининг келажагини ўйлаб чиққанини ҳам ҳаммамиз яхши англаймиз. Буларнинг барчаси соғлом она ва бола тарбияси бугунги кунда дунё миқёсида гоят долзарб муаммога айланаётганидан да-

ОНА ВА БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА...

лолат беради. Айни шундай вазиятда бизнинг юртимизда бу масалага давлат миқёсида улкан эътибор берилиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини ўйлаб, Яратганга минг бор шукроналар айтамыз.

«Соғлом бола соғлом ва ақил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади», деди Биринчи Президентимиз юқорида зикр этилган маърузасида ўз фикрини давом эттириб (*ўша манба, ўша бет*). Маърузада айтилганидек, асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожаги йўқ. Ҳозирги кунда жаҳоннинг айрим мамлакатларида турли зарарли таъсирларга, жумладан, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, кашандалик каби иллатларга берилиб кетган ёшларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу борада, албатта улар мансуб бўлган оилалардаги моддий ва маънавий шароит, энг муҳими, соғлом муҳитнинг йўқлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Соҳибқирон Амир Темури оиласида, фарзандлари тарбиясида соғлом ҳаёт анъаналарига қанчалик улкан аҳамият бергани тарихдан яхши маълум. Масалан, ўгли Мироншоҳнинг майга Ружу қўйганини сезиб қолган буюк ҳукмдор дарҳол бунинг чорасини кўришга киришади. Фарзандини майпарастликка ўргатган ким-

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ

ларни топиб жазолашни буюради. Айбдорлардан бири узоқ вақтгача Соҳибқирондан қочиб, унинг кўзига кўринишдан қўрқиб юради. Ниҳоят, олис ўлкалардан биридаги ҳарбий юришлар вақтида у қўлга тушади.

Маълумки, болалар табиатан жуда зийрак, синчков, таъбир жоиз бўлса, анчагина шўх ва шум бўлади. Ақлли ота-она уларнинг шумлик ва шўхликларига вақтида керакли тарбия усуллари билан жавоб бериши зарур. Акс ҳолда, тарбия жилови қўлдан чиқиб кетиши мумкин. Атоқли адабимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, муҳтарам устоз Асқад Мухтор бола тарбияси нақадар мураккаб иш экани, бу борада аввало, оилада соғлом муҳит яратиш, аynиқса ота-иборат бўлиши лозимлигини таъкидлаб, боланинг шўхлик ва шумликларига жавобан қандай қарши воситаларни қўллаш зарурлиги ҳақида шеърий йўл билан бундай маслаҳат берган эди:

ОТАЛАРГА МАСЛАҲАТ

Икки ўғлим, бир қизим бор, худога шукур,
Келиннгиз ишонмайди еру кўкка.
Ҳаммаси ҳам яхши-ю, биродарлар,
Омон бўлгурларнинг таишиши кўп-да...

Биров йўлдан уриши бор, дегандай,
Папирос, қизамиқ, масту аласлар.

Нима кўп – бадқилиқ одам кўп,
Ёмон кўздан, ишқилиб, Ўзинг асра.

Каттаси денг, ароқ ичсам, суқлангандай,
Қуш қараш қилади, жибилажибон.
Папирос чексам, нақ чўзига тикилади,
Қараб турсам, тирмизак бузиладиган.

Киришмасам бўлмади тарбиясига:
Авалло папиросни ташладим.
Хумор қилганида тунука қутидан
Манпасье шима бошладим.

Ароқ ичмай қўйдим.

Гонорар чиққанди
Лермонтовнинг таржимасидан.
Уйга олиб келдим.

Келинингиз хурсанд
Болаларнинг тарбиясидан...

Ўртанчасин қўйинг! Айтганни қилмайди,
Қилганни қилади маймундай:
Ўқисам – ўқийди, ётсам – ётади...
Ойимга қарашай деса-чи бундай!

Буни ҳам олмасам бўлмайди қўлга:
Саҳар туриб ўтин ёраман.
Идиш-товоқ ювиб, кир-чирни чайгач,
Гастрономга – нонга бораман...

Келинингиз ўзида йўқ хурсанд
Болаларнинг феълу хулқидан.

Аmmo қийин экан бола тарбияси,
Қанча кайфдан қолдим, қанча уйқудан.

Ботинкани ёглаб, галстук боглаб,
Соқоллар қирилган, кийимлар башанг,
Музей-театрга қатнайман тез-тез...
Маданий бўлсин-да, бу уч зумрашанг!

Тупна-тузук бўлиб қолишди, денг,
Каттасининг йўқ билмагани,
Айниқса, кенжаси, ҳали бир яшар-у,
Ўзимга ўхшайди: сипо, маданий...

Шундай тажрибани қўлаб кўринг-а,
Бола, ахир, умрнинг нақши.
Ёшигидан бошланг тарбиясини,
Тугилмасдан бошласангиз,

яна ҳам яхши.

Яна бир улуғ адибимиз Гафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссасини ва шу асосда суратга олинган бадиий фильмни юртимизда билмайдиган одам топилмаса керак. Шум бола – Қоровойни ҳаётнинг ўзи тарбиялайди. Унинг ўтқир ақли, шумликлари қийин ва мураккаб вазиятлардан чиқиш, тўғри йўл топиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждони, иймониға содиқ қолишда унга жуда қўл келади. Тақдир бўрони томонидан умр аарёсининг турли соҳилларига улоқтирилган бу бола тимсолида ҳам инсон

учун оила, жамият тарбияси қанчалик муҳим эканини ҳис этамиз.

Ёки америкалик машҳур ёзувчи О'Генри ҳикояси асосида россиялик киносанъаткорлар томонидан суратга олинган «Ишбилармон одамлар» бадий фильмидаги шумтака бола образини олинг. Ҳатто ашаддий ўғри, муттаҳам одамлар ҳам бола тарбияси қанчалик қийин иш эканини ҳис этиб, ўйлаган қабих режалари ва ундан келадиган мўмай «даромад»дан воз кечишга мажбур бўлишади. Бундай мисоллар жуда кўп ва уларнинг барчаси бола тарбияси ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлганини кўрсатади.

Биринчи Президентимиз юқорида зикр этилган маърузасида юртимизда 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ҳар бир инсон аввало, Оллоҳнинг марҳамати билан, она зотининг ўз боласини юраги остида асраб, тўққиз ой давомида тортган машаққатлари туфайли дунёга келиши, шу боис ҳаммамиз Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз тимсолида ҳаёт абайлигини таъминлаб келаётган табаррук зотларни кўришимизни уқтириб ўтди.

«Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзода мўътабар она сиймоси олдидан ҳамиша таъзим қилади. Муборак ҳадислардаги «Жаннат она-

ларнинг оёғи остидадир» деган сўзлар ҳам ана шу юксак меҳр ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш – биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз», деди Президентимиз (*ўша манба, 34-бет*).

Маърузада мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни химоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олганимиз, бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида қандай улкан ишлар амалга оширилгани эслатиб ўтилади.



«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, Биринчи Президентимиз Исом Каримовнинг ҳар бир нутқ ва маърузасида билдирилган, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз истиқболи учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган фикр ва ғоялар ҳақида сўз борганда, уларни амалга ошириш билан боғлиқ мақсад-вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилар эди. Чуқур ҳаётий асосга эга бўлган бундай фикрлар алоҳида ном берилган ҳар бир йил бўйича, айниқса, Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Улуғ Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасини диққат билан ўқир эканмиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Маърузада «Соғлом она ва бола йили» ғояларини амалга ошириш учун, ўтган йиллар таърибасидан келиб чиққан ҳолда, аввало алоҳида Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада, Давлат ва нодавлат

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

ташкилотлар, аҳолининг турли қатламлари ва иниларининг амалий таклиф ва тавсияларини умумлаштириб, энг муҳим йўналишлар, чора-тадбирларни белгилаб олиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Соғлом она ва бола тарбиясидек халқ ва миллат тараққиёти учун ҳал қилувчи масала бўлган устувор йўналишларда махсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳақида гапирганда, инна бир бор тарихга мурожаат қилишга тўғри келади. Яъни, буюк аждодларимиз инсон камолоти ҳақида қайғуриб, дастурий асарлар яратганлар. Масалан, буюк маърифатпарвар болаларимиз Абаурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари», Абаулло Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ» асарлари, Маҳмуаҳжа Бехбудий, Абаулҳамид Чўлпон, Абаулло Қодирийнинг китоблари ўз даври учун элу юртга манфаати тегадиган, илғор, ўқимишли, янгича замонавий шароитда оқилона ҳаракат қила оладиган, хурофот ва биъъатдан холи ёшларни, миллатни тарбиялаш дастурлари эди. Лекин, афсуски, етарли ижтимоий-сиёсий шароит, иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлаш бўлмагани учун бу дастурлар шунчаки жадидлик фикрлари тўплами бўлиб қолаверди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда ҳар бир ном берилган йил бўйича қабул

қилинаётган дастурлар, жумладан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури учун белгиланган тадбир, мақсад ва вазифаларнинг нафақат моҳияти, аҳамияти, балки амалга ошириш муди, масъуллари ва молиявий манбалари аниқ кўрсатиб берилаётгани уларни ўз вақтида, сўзсиз бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Шу борада, ўтган даврда ортирилган тажриба асосида, 2016 йил дастурида, биринчи навбатда, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласини аниқлат марказида тутиш зарурлигига юқорида зикр этилган маърузада алоҳида урғу берилди. Айниқса, олис ва чекка ҳуудларда, мураккаб иқлим шароитида яшайётган аҳоли, аввало аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарурлиги айтиб ўтилди. Жумладан, тиббиёт муассасалари, айниқса, жойларда фаолият кўрсатаётган перинагал марказларнинг модадий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, перинагал ҳамширалар сонини

соғлом она ва бола йили»нинг мақсад ва вазифалари ўнлайтириш, оилавий поликlinikалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш кераклиги қайд этилди.

Аёнки, патронаж ҳамшира – она ва боланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб турадиган, ҳомиладор аёлларга доимий зарур ёрдам кўрсатадиган олийжаноб касб эгасидир. Шунинг учун юртимизда бундай ҳамширалар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериб, 2015 йилда шу масалага доир қарор қабул қилинди.

Маърузада соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим шarti сифатида ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш, уларнинг модадий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифалар ҳақида ҳам агрофлича фикр юритилди. Айтиш керакки, 2016 йил 11 февралда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисида бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар агрофлича сарҳисоб қилиниб, жамғарма олдидан турган долзарб вазифалар янада кенг баён қилинди. Чунончи, мажлисда 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жум-

ладан, қишлоқ жойларда 29 фойизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фойиз ва 56 фойизни ташкил этгани қайда этилди. Шу билан бирга, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар натижасида йигит-қизлар доимий равишда шуғулланадиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бораётгани, хусусан, айти шу ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани бу соҳадаги ўзгаришлар нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, Ўзбекистон ёшлари ўзлари учун мутлақо янги спорт турлари – бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эштак эшиш бўйича мунтазам шуғулланаётгани, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шохсупаларга кўтарилаётганига эътибор қаратилди («Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 12 февраль).

Ҳақиқатан ҳам, илгари юртимизда замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари умуман йўқ эди. Болалар кўпинча санитария талабларига жавоб бермайдиган ариқ ёки каналларда, лойқа сув ва

«СОГЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

ҳовузларда чўмилишга мажбур эди. Бунинг оқибатида аҳоли, аввало, болалар ўртасида оғир ва юқумли касалликлар кўпайиб кетган, юқорида зикр этилганидек, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқда юқори ўринларни эгалларди.

Мажлисада мустабида тузумдан мерос бўлиб қолган ана шундай оғир вазият туфайли 2000 йилда ҳар 100 минг боланинг 6 мингга яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 таси пневмония, 449 таси бронхит, 310 таси сколиоз касаллигига чалингани эсга олинди. Кейинги йилларда кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маиший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш бугунги кунда 47,3 фойизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фойизга камайдигани айтиб ўтилди.

Ҳомийлик кенгаши йиғилишида қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш борасидаги амалий ишлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Бу борадаги кўрсаткичлар 2005 йилда 24 фойизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фойизни

ташкил этгани қайд қилинди. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани ижобий натижа сифатида баҳоланди. Қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши 2015 йилда Фарғона вилоятида 47,6 фоизни, Наманган вилоятида 47,5, Самарқанда ва Хоразм вилоятларида 47,4 фоизни ташкил этгани уқтириб ўтилади.

«Бу ишларни янада изчил давом эттиришимиз керак, – деди Биринчи Президентимиз ана шу мажлисдаги нутқида. – Чунки қизларимиз тимсолида биз, авваламбор, бўлғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўраимиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур» (ўша манба).

Ҳақиқатан ҳам, бу фикрларда чуқур тарихий ва ҳаётий ҳикмат мужассам. Масалан, халқимизнинг бошига мислсиз кулфат ва синовлар ёмири ёғилган мустамакачилик давридаги жамиятимизнинг фожиали ҳолати ҳассос адибларимиз Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ асарларида айнан ҳақ-ҳуққисиз қизлар ҳаёти тимсолида кўрсатиб берилгани бежиз эмас, албатта. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Зебининг тақдирини олинг. Табиийки, бундай бадий образларда минг-минглаб ўзбек қизлари ҳамда аёлларининг чоризм мустамакаси ва шўро мустабидчилиги давридаги аянчали ҳаёти ўзининг реалистик ифодасини топган. Ана шундай зулм ва ситамлардан мутлақо озод бўлган юртимиз қизларига эътибор ва ғамхўрликни янада ошириш ҳақида зикр этилган мажлисда билдирилган фикрлар келгусида миллатимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда яшайдиган, энг ривожланган халқлар қаторида кўриш хусусидаги орзу-интилишларимиз билан бевосита боғлиқ бўлиб, айнан шундай марраларга эришишнинг асосий шартини ва гарантини ҳисобланади.

Маълумки, тарихда хотин-қизлар ҳақида гап кетса, уларни «заифа», «ожиза» деб таърифлаш, ҳагто шундай қарашни ҳаёт мезонига айлантириш тенденцияси мавжуд эди. Ҳолбуки, она ожиз ва заиф, касалманда бўлса, ундан ҳеч қачон соғлом фарзанд, тоғни урса толқон қиладиган шербилак, мард, азму шижоатли йигитлар, ҳар қандай синовли, машаққатли дамларда ҳам ўзини йўқотмайдиған, аҳдида қатъий барно қизлар қаердан тугилади. Ахир, бизнинг орзуимиз

фарзандларимиз нафақат ҳуснда ва ақл-заковатда, балки жисмоний камолотда ҳам ҳаммадан етук бўлишига эришиш эмасми? Бундай эзгу мақсадларга етиш учун оналаримиз «ожиза», «заифа» эмас, ўз тақдири, бахту иқболини ўзи ярата оладиган, жисмоний ва маънавий тўқис инсонлар бўлмоғи зарур. Шу маънода, юртимизда қизларнинг спорт билан шуғулланишига, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаши, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ривожига улкан эътибор билан қаралаётгани замирида йиллар, асрлар давомида халқимизни қийнаб, ўйлангириб келган жуда катта ижтимоий вазифани ҳал этишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар муржассам.

Жисмоний машқ, спорт, қайси жинсга мансублигидан қатъи назар, инсонни юксалтиради, унинг шаъни ва ғурури барча қатори ҳурмат-эътиборга сазовор эканини исботлайди. Шунинг учун ҳам энг кичик беллашувлардан тортиб, жаҳон миқёсидаги энг нуфузли мусобақаларгача ғолиблар энг юксак шохсупага чиқарилиб, уларнинг шарафига она Ватани байроғи кўтарилиб, давлат маҳфияси ижро этилади.

Аҳадада қатъий, интилувчан, иродали, азмушижоатли, ғолиб ва музаффар инсонларга нафақат бугунги кунда, балки олис тарихда ҳам

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ тан берилган. Буюк мумтоз шоир Хусрав Дехлвийнинг «Хамса» китобидан ўрин олган «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат») достонида ибратли бир воқеа ҳикоя қилинади. Шох Баҳром суюкли ёри Дилором билан бирга овга чиқади. Узоқдан бир кийикни кўриб қолган ҳукмдор Дилоромдан сўрайди: «Камон ўқи билан шу кийикнинг қаеридан урайин?» Дилором жавоб беради: «Моҳир мерган бўлсангиз, шундай қилингки, кийикнинг орқа оёғи бошига ёпишиб қолсин». Баҳром кийик орқа түёғи билан қулоғи ортини қашиб турган пайтни пойлаб камондан ўқ узади. Ҳақиқатан ҳам, кийикнинг оёғи бошига ёпишиб қолади. Баҳром қалай, қойилмисан, бопладимми, деган маънода Дилоромга нигоҳ ташлайди. Дилором эса хотиржамгина: «Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ, машқ қилса, ҳамма нарсага эришса бўлади», деб жавоб беради. Бу гап шохнинг иззат-нафсига тегаяди. «Беадаб» қизнинг бошини танидан жудо қилишлари ҳақида буйруқ беради.

Баҳромнинг донишманд вазири бор эди. У Дилоромни ўлдирмасдан, ўзининг узоқдаги уйига олиб бориб қўяди. Шох суюкли ёрининг ҳажрида ўртанади, қилган ишидан пушаймон бўлади.

Бу орада Дилором ўша вазирнинг уйида яшаб, янги туғилган бузоқни ҳар куни боло-

хонадан пастга олиб тушар ва кечкурун яна юқорига чиқариб қўяр эди. Шу тариқа бир йил ўтади, бузоқ кагта буқага айланади. Дилором, бир йил давомида ҳар куни машқ қилиб ўрганиб қолгани учун, уни буқа ҳолатида ҳам бемалол болохонадан олиб тушиб, яна юқорига олиб чиқиб қўяверади.

Бир куни вазир шоҳни уйига таклиф этади. Биргалашиб болохонага чиқишади. Баҳром болохонага чиқиш анча қийин эканини вазирга шаъма қилади. Вазир эса бундай деб жавоб беради: «Менинг бир хизматкорим бор, аёл бўлишига қарамасдан, мана шу зиналардан ҳар куни кагта буқани пастга олиб тушиб, яна юқорига чиқариб қўяди». Баҳром шу аёлни ва унинг ақл бовар қилмайдиган ишини ўз кўзи билан кўргач, юзига ҳарир парда тортилган аёлдан бунга қандай эришгани ҳақида сўрайди. Дилором: «Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ, ҳазратим, машқ қилса, ҳамма нарсага эришса бўлади», деб бир йил олдин овга чиқишган пайтда айтган гапини такрорлайди. Баҳром бу сўзлардан унинг суюкли ёри Дилором эканини англайди. Унинг ақлу заковати, ирода ва қатъиятига тан беради. Оқила қизни яна саройга олиб бориб, у билан биргаликда шоду хуррам ҳаёт кечиради.

Жисмоний машқнинг фойдаси ҳақида буюк аждодаларимиз ҳаётидан ҳам кўплаб мисол-

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

лар келтириш мумкин. Масалан, мара ва жасур аждолимиз Жалолиддин Мангуберди мўғул босқинчиларига қарши ўн икки йил давомида муттасил жанг қилган. Ёвуз душман юртимиз ҳулуғига бостириб кирган пайтда Жалолиддин йигирма яшар навқирон йигит эди. Унинг отаси Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ узоқни ўйла-масдан, иш тутгани учун мамлакатнинг ҳарбий қудрати сусайиб, кучлар бўлиниб кетади, бунинг оқибатида унинг қўшини мағлубиятга учрайди. Шоҳнинг ўзи Каспий денгизидаги ороллاردан бирига бориб жон сақлашга мажбур бўлади. Шафқатсиз жангларга ярай олмаслигини тушуниб етган Хоразмшоҳ тўнғич ўғли Жалолиддинни валиаҳд, яъни тахт вориси этиб тайинлайди. Мара ва ботир Жалолиддин укалари ва 70 нафар отлиқ аскари билан Хоразмнинг ёв қуршовида қолиб кетган қадимий пойтахти – кўҳна Урганчга кириб келади. Уни кўриб халқнинг руҳи кўтарилади. Жалолиддин Гурганж ва Хуросон оралигидаги саҳрода 70 нафар аскари билан душманнинг 700 кишилиқ қўшинига дуч келади ва уларни тор-мор келтириб, ҳозирги Афғонистон ҳулуғидаги Ғазни шаҳри томон чекинади. Чингизхон унинг ортидан 45 минг кишилиқ қўшин юборади. Жалолиддин аскарларининг сафи га ҳам ватанпарвар йигитлар, кўнгиллилар келиб қўшилади. Парвон деган жойда қақшатқич

хонадан пастга олиб тушар ва кечкурун яна юқорига чиқариб қўяр эди. Шу тариқа бир йил ўтади, бузоқ катта буқага айланади. Дилором, бир йил давомида ҳар куни машқ қилиб ўрганиб қолгани учун, уни буқа ҳолатида ҳам бемалол болохонадан олиб тушиб, яна юқорига олиб чиқиб қўяверади.

Бир куни вазир шохни уйига таклиф этади. Биргалашиб болохонага чиқишади. Баҳром болохонага чиқиш анча қийин эканини вазирга шаъма қилади. Вазир эса бундай деб жавоб беради: «Менинг бир хизматкорим бор, аёл бўлишига қарамасдан, мана шу зиналардан ҳар куни катта буқани пастга олиб тушиб, яна юқорига чиқариб қўяди». Баҳром шу аёлни ва унинг ақл бовар қилмайдиган ишини ўз кўзи билан кўргач, юзига ҳарир парда тортилган аёлдан бунга қандай эришгани ҳақида сўрайди. Дилором: «Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ, ҳазратим, машқ қилса, ҳамма нарсага эришса бўлади», деб бир йил олдин овга чиқишган пайтда айтган гапини такрорлайди. Баҳром бу сўзлардан унинг суюкли ёри Дилором эканини англайди. Унинг ақлу заковати, ирода ва қатъиятига тан беради. Оқила қизни яна саройга олиб бориб, у билан биргаликда шоу хуррам ҳаёт кечиради.

Жисмоний машқнинг фойдаси ҳақида буюк аждоқларимиз ҳаётидан ҳам кўплаб мисол-

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

лар келтириш мумкин. Масалан, мард ва жасур аждоқимиз Жалолиддин Мангуберди мўғул боқчинчиларига қарши ўн икки йил давомида муттасил жанг қилган. Ёвуз душман юртимиз ҳулуғида бостириб кирган пайтда Жалолиддин йигирма яшар навқирон йигит эди. Унинг отаси Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ узоқни ўйла-масдан, иш тутгани учун мамлакатнинг ҳарбий қураги сусайиб, кучлар бўлиниб кетади, бунинг оқибатида унинг қўшини мағлубиятга учрайди. Шохнинг ўзи Каспий денгизидаги ороллاردан бирига бориб жон сақлашга мажбур бўлади. Шафқатсиз жанглarga ярай олмаслигини тушуниб етган Хоразмшоҳ тўнғич ўғли Жалолиддинни валиаҳд, яъни тахт вориси этиб тайинлайди. Мард ва ботир Жалолиддин укалари ва 70 нафар отлиқ аскари билан Хоразмнинг ёв қуршовида қолиб кетган қадимий пойтахти – кўҳна Урганчга кириб келади. Уни кўриб халқнинг руҳи кўтарилади. Жалолиддин Гурганж ва Хуросон оралиғидаги саҳрода 70 нафар аскари билан душманнинг 700 кишилик қўшинига дуч келади ва уларни тор-мор келтириб, ҳозирги Афғонистон ҳулуғидаги Ғазни шаҳри томон чекинади. Чингизхон унинг ортидан 45 минг кишилик қўшин юборади. Жалолиддин аскарларининг сафи-га ҳам ватанпарвар йигитлар, кўнгиллилар келиб қўшилади. Парвон деган жойда қақшатқич

жанг бўлади. Жалолидиннинг қўшини сон жиҳатидан ўзидан бир неча баробар кўп бўлган, яхши қуролланган душман устидан ғалаба қозонади. Шундан сўнг бу енгилмас саркарда билан Чингизхоннинг шахсан ўзи кураш олиб бормоқчи бўлади. Сина, яъни Ҳина дарёси бўйидаги жанг деган ном билан тарихда қолган бу ҳарбий тўқнашув 1221 йилнинг 24 ноябрида юз беради. Чингизхон сон-саноксиз аскарни билан қора қуюндек ёпирилиб келар эди. Лекин навқирон, азму шижоатли Хоразм ўғлони ўзини йўқотмасдан, қўрқув нималигини билмасдан, мардона жангга киради. Душман унинг ўнг ва сўл қанотидаги кучларни ёриб ўтади. Жалолидин бор-йўғи 70 нафар сараланган аскар билан ўртада қолиб кетади. У арслондек гоҳ ўннга, гоҳ сўлга ташланиб, ёв лашкарини ер билан яксон қилади. Унинг атрофини ўраб олган ҳалқа тобора сиқиб келаверади.

Манбаларда айтилишича, Жалолидиннинг руҳини синдириш учун Чингизхон унинг 7–8 яшарлик ўғлини тутиб олиб қатл эттиради. Жасур саркарда душман қўлига асир тушмаслик учун сўнги сонияларда оиласининг олдига келиб, фарзандлари билан хайрлашади. Кейин яна ёвга ташланиб, мўғулларни чекинишга мажбур қилади. Дарё соҳилига бориб, пишқириб ётган тўлқинлар узра от солиб, ундан шамолдек елиб

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ
утиб кетади. Ўша заҳотиёқ қирғоққа етиб келган Чингизхон унинг шаҳду шиддатига қойил қолади ва ўғилларига қараб бундай дейди: «Ҳақиқий ўғил мана шундай бўлиши керак».

Жалолидиннинг жасорати соғлом онадан туғилган соғлом боланинг жасорати эди.

Тарихий китобларда ёзилишича, бир жанг-да Амир Темур бобомизнинг оёғи ва қўлига ўқ тегиб, оғир ярадор бўлади. Шунга қарамасдан, жанг майдонини тарк этмайди. Аксинча, аскарларининг руҳини кўтариб, ёвга қарши мардона хужум бошлайди ва ёв устидан ғалаба қозонади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай мустаҳкам ирода, қатъият, чидам ва жасорат ҳам йиллар давомида қилинган машқ, чиниқиш, соғлом ҳаёт кечирिश натижаси эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Соғлом авлод учун», «Мардлик» орденлари «Жасорат» медали ва бошқа давлат мукофотлари қатори Жалолидин Мангуберди, Амир Темур орденлари ташкил этилгани ҳамда энг муносиб юртошларимиз улар билан тақдирланаётгани ёш авлодни ана шундай фазилатлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Улкан ирода, буюк жасорат намунасини яна бир жасур бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур мисолида ҳам кўриш мумкин. Ул зотнинг

умр китоби бўлиши «Бобурнома» асариди ёзилишича, Бобур Мирзо Шайбонийхон таъқибидан қочиб, Хўжана атрофида, тоғу тошлар орасида саргардон юрган кезларида, қаҳрамон қиш палласида дарё сувига бир неча бор шўнғиб чиқади. Яхшиси бу ҳақда буюк бобомизнинг ўзидан эшитайлик: «Ул мартабада совуқ эдиким, ўшу икки-уч киши бу борада совуқнинг шиддатидин ўлиб эди...Бир ариқ суйдаким, ёқалари қалин муз тўнғуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувга кириб, ғуса қилдим. Ўн олти қатла сувга чўмдим. Сувнинг совуқлиғи хейли таъсир қилди».

Азиз китобхон, одамлар кийимга ўраниб ҳам совуқдан ҳалок бўлаётган бир пайтда муздек сувга ўн олти марта шўнғиб чиқиш осонми? Бунинг учун инсоннинг жисми ўта кучли ва бақувват бўлиши билан бирга унинг иродаси ҳам мустаҳкам бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, тақдирнинг ҳар қандай синовларига бардош бериш, уларни мардона енгиб ўтиш, юксак фазилатларни намоён этишни ота-боболаримиз ўзлари учун одатий ҳол деб ҳисоблаганлар. «Алломиш» достонининг бош қаҳрамони Ҳакимбек – Алломиш ўз мақсадига етгунча қанча синов ва машаққатларга дуч келганини эста олайлик. Лекин бу қаҳрамон ҳеч қачон умидсизликка тушмайди. Чунки ўзининг

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ
куч ва имкониятларига, иродасига ишонади. Шунинг учун охир-оқибатда тўқсон алпнинг устидан ғалаба қозониб, Барчинойни ўз юртига олиб кетади...

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши мажлисида қизларни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш масаласига ҳам шундай улуғ мақсадлар нуқтаи назаридан қаралётгани таъкидланди. Айниқса, спорт билан шуғулланишни истайдиган қиз болалар учун аёл мураббиялар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизда бу борада махсус қарорлар қабул қилингани ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Илгари юртимизда спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган аёл мураббияларни топиш қийин эди. Хусусан, қишлоқ жойларда бундай мутахассислар деярли йўқ эди. Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб, кейинги йилларда юксак малакали спорт мураббийлари, жумладан, хотин-қиз мураббиялар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилгани бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Мисол учун, мамлакатимизда 2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайгани, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошгани айнан ана шундай

саъй-ҳаракатлар самараси экани мажлисда таъкидлаб ўтилди.

«Болаларимиз келажагини ўйлаб олиб бораётган мана шундай ишларимиз фарзандларимизнинг жисмоний камолотида ўзининг амалий ифодасини топмоқда», деб таъкидлади жамғарма Ҳомийлик кенгаши раиси Ислам Каримов (*ўша манба*). Мажлисда шу йўналишга оид қуйидаги рақамлар келтирилди. Ўзбекистонда бўй кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келаётган 14 ёшли ўғил болаларнинг улуши бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича 97,9 фоизни, Наманган вилояти бўйича 97,6, Қашқадарё вилояти бўйича 97,1, Бухоро вилояти бўйича 96,8 фоизни, мамлакатимиз бўйича 94,2 фоизни ташкил этмоқда. Яъни, 14 ёшдаги ўғил-қизларнинг бўйи кейинги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметрга ўсган.

Айни вақтда ҳарбий хизматга яроқли деб топилётган йигитлар сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилда 86,3 фоизга етган, уларнинг бўйи шу даврда 5,9 сантиметрга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметрни, вазни эса 6,2 килограммга ортиб, 67,8 килограммни ташкил этган.

Ҳомийлик кенгаши йиғилишида спорт билан мунтазам шуғулланиш ёшларнинг соғлом қарашларини шакллантириши, иродасини тоблаши, уларнинг мара ва жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли-туман синов ва қийин-

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

чиликларни мардона енгиб ўтишга қодир бўлиши учун мустаҳкам замин яратиши алоҳида қайда этилди. Спорт билан аўст бўлган болалар биз учун мутлақо бегона ва зарарли оқимларга қўшилиб кетмаслиги биз учун энг муҳим масала эканига эътибор қаратилди.

«Бугунги кунда шахар ва қишлоқларимизда янгидан барпо этилган замонавий футбол майдонларида ёшларимиз ўзларининг бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Бундай ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳаётимиз ўзгармоқда, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда, ўзимизга, ўз соғлиғимизга, келажагимизга муносабатимиз ўзгармоқда ва бу жараёнда бошқа кўпгина ижобий омиллар қатори, аввало, спорт катта таъсир кўрсатмоқда», деди Биринчи Президентимиз (*ўша манба*).

Бугунги кунда спорт саломатлиқни мустаҳкамлаш билан бирга, халқаро майдонда ҳар бир мамлакатнинг обрў-эътиборини юксалтирадиган, уни жумлаи жаҳонга машҳур қиладиган беқийёс воситага айланиб бораётгани кўпчиликка яхши маълум. Чиндан ҳам, юртимиз спортчиларининг турли нуфузли халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабалари қалбимизда гурур-ифтихор туйғуларини уйғотади, она Ватанимизга бўлган муҳаббатимизни янада юксалтиради. Ана шу мавзуга алоҳида тўхталиб, Ҳомийлик кенгаши раиси қуйидаги фикрларни

таъкидлади: «Ўзингиз айтинг, эски тузум даврида жаҳон миқёсида ўтадиган биронта мусобақада «Ўзбек», «Ўзбекистон» деган номлар бугунгидек жаранглаб, миллионлаб инсонлар қалбида акс садо берганини биров эшитганми, Ватанимиз байроғи шунчалар баланд кўтарилганини илгари биров кўрганми? Барчамизга мамнуният етказадиган томони шундаки, истеъдодли ўғил-қизларимиз халқаро майдонларда қўлга киритаётган катта ғалабалари билан Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини такрор ва такрор намоен қилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, биргина ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритганини, ёш иқтидорли мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўганини ва уларнинг 76 таси гранпри ва биринчи ўрин эканини айтиш жоиз. Мен мана шундай юксак марраларни қўлга киритаётган болаларимизни миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнанан шундай азму шижоатли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари билан минг-минглаб тендошларига ибрат бўлмоқда, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида руҳлантирмоқда» (ўша манба).

Ҳомийлик кенгаши мажлисида ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим

ўрин тутадиган яна бир масала – спорт жиҳозлари ва кийимлари ишлаб чиқаришда уларнинг сифатли, қулай, халқаро стандартларга мос бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, спорт анжомларини ишлаб чиқариш учун лицензия беришни йўлга қўйиш, бу борада ҳам рақобат муҳитини ривожлантириш кераклиги қайда этилди. Биринчи Президентимиз қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, сузиш ҳавзаларида улар учун қулай шароит яратиш, бунинг учун хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мажлиса болаларни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан бир қаторда санъат тарбияси, мусиқий тарбия ҳам беқиёс аҳамиятга эга эканига ургу берилди. Жисмоний тарбия ва спорт одамнинг иродасини тарбиялаб, соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшса, мусиқа санъати унинг руҳига озиқ бериши, қалбини, энг нозик туйғуларини камолга етказиши ҳақида фикр юритилди.

«Мусиқа эшитадиган, мусиқа билан шуғулланадиган одам ёмонликдан албатта узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз болалар спорти объектларини куриш билан бирга, болалар мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият

қаратиб келмоқдамиз. Бу борадаги ишларимизнинг дастлабки натижаларини мамлакатимизнинг қишлоқ туманлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, эътиборга молик катта ишларни амалга оширганимиз аён бўлади», деди Ислон Каримов (*ўша манба*).

Бугунги кунда юртимиздаги 157 қишлоқ туманида 191 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилгани, баъзи хуудаларда, мисол учун, Анджон вилоятининг 14 туманида 20 та, Самарқанд вилоятининг 14 туманида 16 та, Фарғона Республикасининг 14 туманида 16 та, Фарғона вилоятининг 15 туманида 16 та мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, замонавий мусиқа асбоблари, юксак малакали педагоглар билан таъминлангани, бошқа вилоятларимизда ҳам худди шундай ишлар олиб борилаётгани ҳақида мажлисда атрофлича ахборот берилди. Ана шундай замонавий таълим-тарбия, спорт ва маданият масканларида билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг буюк келажagini ўз куч-қуввати, ақл-заковати билан қурадиган ёш авлодимиз камол топаётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

«Ана шундай ёшларга эга бўлган, ўз олдига юксак ва улуғ мақсадлар қўйиб яшаётган халқни ўз йўлидан асло тўхтатиб бўлмайди, ўз мақсад-муддаоларига албатта эришади», деди Биринчи Президентимиз (*ўша манба*).

Мажлисда мамлакатимизда 2016 йилга «Соғлом она ва бола йили» деб ном берилгани халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланаётгани бу қарор эл-юртимизнинг айна кўнглидаги муаао бўлганидан далолат бериши таъкидлаб ўтилади. Шу маънода, жорий йил ўзининг мақсад ва вазифалари билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида янги бир босқич бўлиши айтилади.

«Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва кучли омили бўлиб келмоқда ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки, спорт – бу аввало соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», деди Биринчи Президентимиз (*ўша манба*).

Азиз китобхон, яна 2015 йил 5 декабрда мамлакатимиз Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган тантанали маросимга қайтсак. Ўша мажлисда сўзлаган маърузасида давлатимиз раҳбари «Соғлом она ва бола йили»нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат

кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш бўйича ҳам муҳим фикрларни баён қилди.

Давлатимиз раҳбари қиз болаларнинг соғлиғи, уларнинг келажак ҳаётида ўз ўрнини топиши ҳақида яна бир бор тўхталиб, қуйидаги фикрларни таъкидлади: «Сизларга яхши маълумки, юртимизда қиз болаларнинг – бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб voyга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мен бу ҳақда такрор ва такрор гапиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан. Қиз болани коллежни битирмасидан, ҳунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинлар, буни мен узоқни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у курадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бу менинг энг кагта орзуим ва тилагимдир, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Шу нуқтаи назардан қараганда, дастурда коллеж битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларимизни иш билан таъминлаш масаласини долзарб вазифа тариқасида кўришимиз даркор.

Шу борада ўзининг кичик бир хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларимизга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ мuddат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмоладан кредитлари бериш борасидаги ишларимизнинг кўламини кенгайтириш ҳам диққатимиз марказида бўлиши керак» (Ислом Каримов. *Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги bosқичга кўтаришдан иборат. Тошкент, «Ўзбекистон», 2015 йил, 36–37-бетлар).*

Юқорида зикр этилган маърузада аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

«Ҳақиқатан ҳам, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак, – деб фикрини давом эттиради Юртбошимиз. – Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш

керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур. Бу ҳақда гапирганда, бир қарашда арзимас нарсдек туюладиган, лекин ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Яъни, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш – бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарт эканини доимо эсда тутишимизни иштардим. Бунинг учун ҳаммамиз биргаликда иш олиб боришимиз, хусусан, жойларда ҳокимият идоралари билан маҳалла, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, эл-юрт орасида обрў қозонган ҳурматли инсонлар, мухтарам кайвониларни бу ишларга кенг жалб этиш аини мунаао бўлур эди» (ўша манба, 37-бет).



«СОГЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 1994 йил 2 май кунини Ўзбекистоннинг илк давлат мукофоти – «Соғлом авлод учун» орденини топириш маросимида ёш авлодни вояга етказиш борасидаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини бундай ифода этган эди: «Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир».

Таъкидлаш керакки, бу сўзлар мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда энг муҳим устувор йўналишлар учун асос ва замин бўлиб хизмат қиламоқда.

Ҳаммамизга яхши аёнки, юртимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг стратегик йўналишларидан бири этиб белгилаб олин-

ди. Ўтган давр мобайнида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати, турмуш фаровонлигини ошириш, умрини узайтириш мақсадида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга доир зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил тарзда амалга ошириб келиняпти. Мамлакатимизда 1998 йил «Оила йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Она ва бола йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2012 йил «Мустаҳкам оила йили», 2014 йил «Соғлом бола йили», деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан тегишли Давлат дастурларининг амалга оширилгани айтиш шунинг йўналишдаги кенг қўламли ишларни такомиллаштириб, уларнинг суръати ва сифатини янги босқичга кўтариб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда бугунги кунда изчиллик билан амалга оширилаётган «Соғлом она – соғлом бола» дастури доирасидаги ишлар халқаро миқёсда тан олинмоқда. Бунинг натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани аниқса диққатга сазовордир.

Бу борадаги ишлар «Соғлом она ва бола йили»да янада изчил давом эттирилиб, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Мазкур йил бўйича белгилаб олинган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида 2016 йил 9 февралда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарор имзоланди. Шу асосда тасдиқланган дастурда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган эзгу гояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўз ифодасини топган. Дастурда аввало оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила инс-

титутини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилган ва унинг доирасида бир қатор муҳим тадбирлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгиланган бўлиб, бу йўналишдаги амалий ишлар ҳозирги кунда давом эттирилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишдан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланмайдиган шахслар тоифасига ўтказишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказлари (гурӯҳлари)ни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш режалаштирилган.

Биринчи Президентимизнинг юқорида зикр этилган маърузасида баён қилинган вазифаларни амалга ошириш учун 2016 йилда чекка

қишлоқ туманларида яшайётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Масалан, юртимизнинг олис ва чекка қишлоқларида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 194 та намунавий комплекс барпо этишга қаратилган дастурни тасдиқлаш, уларнинг таркибига гўзаллик салонлари, модалар ателъеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатадиган шохбачаларни киритиш, айти шу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер участкалари ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳуауаларида яшайётган кам таъминланган оилалардаги уй бекаларига юртимизда ишлаб чиқарилган маиший электр техникаларини бепул тақдим этиш режалаштирилгани ҳам инсон, унинг манфаатлари ҳақидаги ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Шунингдек, ана шу ҳуауаларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига

катталар ва болалар кийимлари берилиши белгиланган бўлиб, бу ҳам, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлат дастурида мамлакатимизнинг барча туманларидаги қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта янги уй-жой барпо этиш, 296 километрдан зиёд электр тармоқлари, 307,5 километр табиий газ тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300 километрдан зиёд ичимлик суви тармоқларини барпо этиш ва шу тариқа аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишларини давом эттириш кўзда тутилган бўлиб, буларнинг барчаси мамлакатимизда соғлом она ва бола деганда фақат инсоннинг саломатлиги эмас, балки уни ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кенг кўламли ижтимоий шарт-шароит ва инфратузилма тармоқларини мутаносиб тарзда ривожлантириб бориш тушунилаётгани, яъни масалага жуда кенг кўламда ёндашилаётганидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, соғлом она ва бола ҳаёти замонавий тиббий хизмат даражаси ва сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, мазкур йил бўйича белгилаб берилган яна бир

муҳим вазифа – тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг модалий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини ошириш бўйича ҳам дастурда алоҳида тадбирлар белгилангани муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, Тошкент шаҳрида, юқорида тилга олинганидек, 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказиш имконига эга бўладиган, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган тўртинчи даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш кўзда тутилгани шу борадаги энг муҳим амалий ишлардан бири ҳисобланади. Бу тиббиёт маскани оналар ва болаларга юқори технологиялар асосида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, болаларга чақалоқлик давридан токи улар 18 ёшга тўлгунига қадар кардиожарроҳлик, нейророжарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, юртимизда болалар ўлими ва ногиронлигини янада камайтириш имконини беради.

Қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, ногирон болалар учун реабилитация хизматини йўлга қўйиш ва унинг сифатини яхшилаш, болалар ўр-тасида ногиронлик аломатларини камайтириш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини халқимиз яхши билади. Айни шу мақсадда мамлакатимиз-нинг Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарларидан кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари фао-лиятини ташкил этиш кўзда тутилган. Шунинг-дек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини реконструк-ция қилиш ва жиҳозлаш, 38 та туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва туғруқхона маж-муаларини реконструкция қилиш, капитал таъ-мирлаш ва жиҳозлаш, 11 та оилавий поликли-ника ҳамда 244 та қишлоқ врачлик пунктини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади.

Бундан ташқари, Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даво-лаш-ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳоз-лаш, Хоразм вилоятидаги силга қарши болалар

санаториясини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаёт да-ражаси ва сифатини яхшилаш, уларнинг оғир-ни енгил қилиш, ҳаётий манфаатларини юзага чиқариш, жумладан, замонавий тиббий хизмат имкониятларидан янада кенг фойдаланишлари-га эришиш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни изчил давом эттириш ва кўла-мини кенгайтириш, уларга комплекс тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 2016 йилда Тош-кент шаҳрида тўртинчи даражали Аёллар са-ломатлик марказини ташкил этиш лойиҳаси тайёрланиши кўзда тутилган. Ушбу марказ энг замонавий диагностика ва даволаш асбоб-уску-налари билан жиҳозланиб, унинг таркибида за-монавий маслаҳат поликлиникаси ва операция блоки ташкил этилади.

Жорий йилда болалар ва ҳомиладор аёллар-га тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланган. Хусусан, Республика перинатал маркази, вилоят перина-тал марказлари, Республика ихтисослаштирил-ган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоятлардаги филиал-лари, 13 та вилоят кўп тармоқли болалар мар-кази, шаҳар ва туман даволаш-профилактика

муассасалари, шунингдек, уларнинг болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларида бу борада катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш назарда тутилган. Шу билан бирга, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази фаолиятини янада кенгайтириш режалаштирилган. Хусусан, 2016–2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 та ҳудудий филиали, Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги жамоат фонди ташкил этиш кўзда тутилган.

Айни пайтда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скрининг текширувидан ўтказиш, уларда ирсий касаллик аломатлари бўлса, касалликни шу тариқа вақтида аниқлаш бўйича тиббий профилактика ишларини олиб бориш мўлжалланган. Шунингдек, ҳомиладор аёлларни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оммавий ультратовуш асосидаги перинатал скрининг текширувидан ўтказиш, мамлакатимиз ҳудудларидаги 13 та скрининг марказини кўп функцияли, рақамли замонавий ультратовуш ускуналари билан жиҳозлаш ҳам давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар жумласига киради. Албатта, чақалоқларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар но-

гиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини берадиган бундай эзгу ишларнинг аҳамиятини юртимиздаги ҳар бир ота-она, ақли расо инсон яхши тушунади.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида ушбу рисоланинг аввалги фаслида тилга олинган яна бир муҳим масала – турмуш қураётган келин-куёвларнинг никоҳдан олдин тўлиқ ва сифатли тиббий кўрикдан ўтишига эришиш масаласига ҳам муҳим ўрин берилган. Бу борада тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси, масъулиятини янада ошириш, замонавий тиббий техника ва технологияларни жорий этиш, поликлиникаларни замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун қандай талаб ва мезонларга риоя қилиш зарурлиги ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтиришга эришиш кўзда тутилган.

Айни вақтда, ана шундай ўта муҳим натижаларга эришишда юрдошларимизнинг тиббий маданияти, онгу тафаккурини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш, психофизиологик ҳолатини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни ил-

мий асосда парвариш қилиш, вояга етказиш борасидаги ишларнинг сифатини тубдан ошириш учун, аввало, уларнинг витаминлар, табиий минераллар ва оқсилга бой маҳсулотлар билан овқатланишига алоҳида эътибор қаратиш, кундалик рационни сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам кўзда тутилгани ғоят муҳимдир. Тарихдан яхши маълум, ота-бобола-римиз, момоларимиз гўдак парваришида бу масалага жуда катта аҳамият берганлар. Буюк алома ва мутафаккирларимиз эса бу ҳақда қанча китоб ва асарлар ёзиб қолдирганлар. Чунончи, улуғ маърифатпарвар зиёлиларимиздан Абу-рауф Фитрагнинг «Оила» рисоласида бу ҳақда батафсил фикр юритилган. Мазкур китобда, жумладан, бундай фикрлар билдирилади: «Болани эмизишдан ажратгандан сўнг болага ҳазм қилиниши оғир бўлган нарсалар берилмайди. Балки сигир сути ва тухумнинг сариғи, шунга ўхшаш енгил таомлар берадилар. Токи меъдаси бузилиб бола қийналмасин. Бола икки ёшга тўлмагунча шу қоидага риоя этиш мақсадга мувофиқдир. Бола йиғласа, дарров қўлига бир бурда нон ёки ҳолва бериш ҳам тўғри эмас. Боланинг меъдаси касал бўлиши мумкин. Бола учун ҳаракат ва тоза ҳавода бўлиш фойдалидир... Болаларни тоза ва ҳавоси яхши жойларда олиб юриш лозимдир. Лекин ёзда чақалоқ ўн беш кун

лик бўлмагунча, қишда эса эллик кунлик бўлмагунча уйдан чиқармаслик зарур. Янги туғилган бола ҳаводан тез таъсирланади» (*Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, Чўпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013 йил, 89–90-бетлар*).

Ўз-ўзидан равшанки, бундан қарийб бир аср илгари, юртимиз мустамлакачилик зулми остида бўлган оғир бир шароитда ёзилган бу фикрлар бугунги тараққиёт, соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-амалий ютуқлар нуқтаи назаридан қараганда жуда одадий ва содда бўлиб туюлиши мумкин. Лекин аждодаларимизнинг ўта мураккаб даврларда ҳам миллатнинг соғлиғи, унинг келажаги, фарзандларининг бахту саодати ҳақида қайғуриб, мана шундай китобларни катта дард ва куюнчаллик билан ёзганларни биз учун муҳимдир. Айни шундай фикрларни билдириш орқали улар бугунги кунларни, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бўйича давлат миқёсида амалга оширилаётган улкан ишларни, жумладан, «Соғлом она ва бола» Давлат дастурида белгиланиб, йил давомида жорий этиладиган мақсад ва вазифаларни орзу қилган, десак, адашмаган бўламиз.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида кўнглига туғиб келган ана шундай эзгу ниятларининг ҳозирги вақтда ижобат бўлаётганини яна

бир мисол – мазкур дастурда тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий-амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мос ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Республика диетология илмий-амалий марказини ташкил этиш режалаштирилганида кўриш мумкин.

Маълумки, инсон камолотида жуда катта ўрин тутадиган жисмоний тарбия ва спорт масаласи ҳам аجدодларимиз меросида кенг ёритилган. Масалан, буюк маърифатпарвар вагандошимиз Абуллла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуа ахлоқ» асарида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи энг керакли нарсодур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жаса лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Маишатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдур. Биз сиҳатимизни сақламак ила амр ўлинганмиз, шунинг учун вужудимизи ҳифзи сиҳатга зида бўлган ёмон одатлар ила чуритмақдан сақланмаклигимиз лозимдур.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабудур. Агар жисм то

залик ила зийнагланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабудурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуа керақдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик қилмай, тезлик ила табиб ёки дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъи ҳазратлари: «Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчиси дин илми», – демишлар. Бунга қараганда, энг аввал ҳифзи сиҳат қойдаларини билмак, саломатликка терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатликига зарарли, оғулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмак, сақланмак шарият, ақл, ҳикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийи муҳтарам салоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳар нарса кўп ичганда маст қиладурган бўлса, ман сизни онинг озгинасидан ҳам наҳй қиламан, – демишлар.

Саломатликни сақлов лозим ишдур,

Гунаҳдин сақла жисминг ёзу қишдур.

Касал бўлсанг, бўлур дунё қоронгу,

Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишдур.

Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,

Бу дунё айшу ширатдан кечишдур.

*Ҳама ишратчи ҳижронликда кетди,
Бу оламда бир иш ишлаб кетишдур».*

(Абдулла Авлоний. *Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 йил, 14–15-бетлар*)

Соғлом ва самимий бу сўзлар бизни умрнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, ўзимиз, фарзандларимиз, оиламиз ва бутун жамиятимизни соғлом турмуш тамойилларига қатъий риоя қилишга ундайди. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқийс. Шу маънода, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида халқимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт асбоб-қуралари билан жиҳозлаш, юксак малакали мураббийлар билан таъминлаш бўйича кўпгина тадбирлар белгилангани бизнинг эл-юртимиз, аждоқларимиз неча замонлар мобайнида орзу қилган мақсадларни рўёбга чиқараётганимизни кўрсатади. Бу эса келгусида бизнинг соғлом халқ, соғлом миллат бўлиб аунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашимизнинг асосий шартларидан биридир. Шу ҳақиқатни чуқур ан-

лаб, дастураа белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш барчамизнинг эзгу бурчимиз, вазифамиздир. Йил давомида умумтаълим мактаблари учун қўшимча равишда бир минг етти юздан зиёд спорт зали, спорт клублари барпо этиш, мактаб спорт жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш, бунинг учун яна 217 та зал қуриш, юртимиздаги ҳар бир туманда камида зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган битта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (жами 225 та, шундан 15 таси 2016 йилда қурилади) бунёда этиш режалаштирилгани ана шундай улуғ мақсадларга етиш йўлида яна бир амалий қадам бўлади. Шунингдек, вилоятлар марказларида спортнинг 4 та йўналиши бўйича 56 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (бунинг 5 таси жорий йилда) фаолияти йўлга қўйилади. Сузиш ҳавзалари тармоғини янада кенгайтириш учун яна 11 та сув ҳавзаси қурилади ва уларнинг мамлакатимиздаги умумий сони 290 тага етказилади.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат, ўзаро бегараз ёрдам муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва ис-

тироҳат боғларига экскурсиялар уюштириш мўлжалланган бўлиб, бу тадбирлар «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» эзгу даъватнинг амалдаги ифодаси бўлган ишлардан бири сифатида янги тарихимиз солномасидан алоҳида ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Айни пайтда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва иқтидорли болалар учун «Биз – мустақиллик фарзандларимиз» шиори билан пойтахтимиз Тошкент ҳамда қадимий шаҳарларимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил қилиш режалаштирилган. Бундай тадбирлар, табиийки, жажжи ўғил-қизларимиз қалбида она юртимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини, шу улуг Ватанга дахлдорлик ҳиссини юксалтириш, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари бўйича билим ва тасавурларини бойитишга хизмат қилади.

Биринчи Президентимизнинг кўплаб нутқ ва маърузаларида таъкидланган масала – қиз болаларни жисмонан соғлом, маънавий-интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳият соҳибалари этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, бахтли-саодатли умр кечириши,

ҳақиқатан ҳам, биз барпо этаётган жамиятнинг сиёсий-маданий савиясини кўрсатадиган энг муҳим ижтимоий мезонлардан биридир. Айни шу мақсадларга эришиш учун қиз болаларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, истеъдоа ва иқтидорини намоён этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш дастурнинг яна бир муҳим қисмини ташкил этади. Бундай олийжаноб ишлар юртимиз қизларининг келгусида мамлакатимизнинг турли соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда янада фаол иштирок этиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш, элу юрт иши учун муносиб фарзандларни вояга етказишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшларнинг ҳаёти ва истиқболи билан боғлиқ яна бир муҳим масала – уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, бахти ва омадини айни шу соҳада синаб кўриши учун қулай шарт-шаройтлар яратишдан иборат. Ёш йигит-қизларнинг шу йўлдаги эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиздаги ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув

курслари, айрим коллежлар базасида эса ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган бизнес клублар ташкил этиш мўжжалланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қатъийбор берилётган долзарб вазифалардан бири хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш экани ҳеч кимга сир эмас. Бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг давоми сифатида «Менинг бизнес ғоям» ва «Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи» мавзуларида ҳушдорлар ҳамда мамлакат миқёсида танловлар ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан, касб-ҳунар қоллежларини битириб чиқётган қизларга банк кредитлари ажратиш бўйича ҳам «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида кўпгина амалий тадбирлар белгилангани бу ишларни жорий йил давомида янги босқичга кўтариш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ёшлар, айниқса, қиз болаларнинг истеъдоқ ва салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳам дастурдаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда фикр юритганда, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги Ёшлар марказла-

рини, Тошкент вилоятидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳи ва ёш оилалар учун дам олиш маскани, Тошкент шаҳридаги «Камолот» ёшлар боғини реконструкция қилиш, жиҳозлаш каби кўплаб ишлар дастурда акс этганини алоҳида таъкидлаш мақсада мувофиқдир.

Ҳаёт тажрибасидан яхши аёнки, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришда таълим-тарбия тизимининг аҳамияти беқийс. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида бу борадаги ишларни кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ва шу тариқа болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия ишларига кенг жорий этиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Айниқса, таълим-тарбия муассасаларининг модадий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, 286 та мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, болалар учун ўйин майдончалари ташкил этиш, вилоятлар марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш режалаштирилгани, табиийки, дастурнинг қиммати ва аҳа-

миятини янада оширади. Шу билан бирга, 2016 йилда 28 та янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 та мактабни реконструкция қилиш, 105 та мактабни капитал таъмирлаш ҳамда янги ўқув жиҳозлари ва мебеллар, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш бўйича дастурда белгиланган ишлар ҳозирги кунда қизгин давом эттирилмоқда. Айни пайтда бир минг олти юздан зиёда мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланиши, 13 та академик лицей, 107 та касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилгани ҳам ёш авлод ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаасидир.

Дастурда сўнгги йилларда давлат назоратида бўлиб келаятган яна бир ғоят муҳим масала – касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қиз болаларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муаалат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмо кредитлари ажратиш борасидаги ишларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари,

ташкilot ва корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари раҳбарлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу жараёнда имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга мансуб коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши қайда этилган.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, бу ишларга обрў-эътибор қозонган, кўпни кўрган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш масаласи ҳам киритилган бўлиб, жамиятимизда авлодлар ўртасида ворисийлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда бунинг аҳамияти нақадар катта эканини барчамиз яхши тушунамиз.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган барча тадбир ва режаларнинг қўлами ва миқёсини тасаввур этиш учун уларни амалга оширишга 7 триллион 483 миллион 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг дол-

лар маблағ йўналтириш мўлжалланаётганини келтиришнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз. Ана шундай моадий ва маънавий жиҳатдан пухта асосга эга бўлган эзгу иш ва ташаббуслар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда инсон қадрини янада юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.



МУШТАРАК ТУШУНЧАЛАР

1991 йил 31 августда она Ваганимизнинг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг ҳаётимиздаги кўпгина тушунча ва қадриятлар айнан шу воқеа билан узвий боғлиқ ҳолда янги-ча маъно-мазмун касб эта бошлади. Жумладан, она ва бола тушунчаси ҳам. Бунинг амалий тасдиғини бүгунги ҳаётимизда кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсаалик нишонини таъсис этиш тўғрисида» 2016 йил 1 июлда имзоланган Фармонини олайлик. Халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олинган маънавий нишон билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва муҳофаза қурагини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро аўст-лик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни

асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланиши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур эсдалик нишонининг марказида акс эттирилган Бахтиёр она ва унинг фарзанди қиёфаси халқимизнинг асрлар давомида шакланган ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, олийжаноб орзу-интилишлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини, бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида халқимиз ўз олдига қўйган олий мақсад-муद्даоларни ёрқин ифода этиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик бизга ўз оиламиз, оналаримиз, фарзандларимиз, халқимиз ва Ватанимиз учун яшаш ва меҳнат қилиш, шу йўлда бугунги юксак марраларни эгаллаш имконини беради. Энг муҳими, истиқлол йилларида шакланган янги, навқирон авлодимиз ҳозирги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Элу юртимизнинг кенг кўламли ислохотлар-

ни амалга ошириш борасида эришаётган янги-янги марралари аёлларимиз, оналаримиз ва болаларимизнинг бахту саодагли яшаши учун қаратилган бўлиб, айти шундай буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш – энг олий саодатдир. Келгусида Ватанимизнинг тақдири ва истиқболини қўлига оладиган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш – улкан шарафдир.

Шу маънода, нишонда акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкалини барча юртошларимиз мустақил Ватанимиз, ёруғ келажагимиз тимсоли сифатида қабул қилмоқда ва шундай нишонга эга бўлиш, тақдирланишни ўзлари учун юксак шараф, деб билмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз босиб ўтган 25 йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, хотин-қизларга, муқаддас Она зотига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳам маънавий, ҳам жисмоний етук ёшларни вояга етказиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани ва бу йўлда аунё ҳамжамияти эътироф этаётган улкан натижалар қўлга киритилаётганини кўрамиз. Мустақил юртимизда таъсис этилган биринчи орденнинг «Соғлом авлод учун» деб номлангани ва бу юксак мукофот ўтган давр мобайнида қанча-қанча юртошларимизни

фарзандларини дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай-
 айган, етук ва баркамол инсонлар этиб тарбия-
 лашдек улуғ мақсадлар йўлидаги улкан ишларга
 сафарбар этиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас,
 «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик
 нишони шу борадаги орзу-интилиш ва амалий
 ишларимизнинг узвий ва манتيқий давоми бў-
 либ, она тимсолида буюк Ватанимизни, унинг
 фарзанди тимсолида эса ёруғ келажагимизни
 кўрамиз.

Ўтган 25 йиллик қисқа даврда амалга ошир-
 ган улкан, том маънодаги тарихий ишлари-
 мизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини чин дил-
 дан ҳис этиш, шу улуғвор ишларда менинг ҳам
 муносиб ҳиссам бор, деган дахлдорлик туйғу-
 си билан яшаш барчамизга чексиз ғурур ва
 ифтихор бағишлайди. Миллионлаб юртошла-
 римиз айна шу йўлда фидокорона меҳнат
 қилгани ва бугунги кунда ҳам янги-янги мар-
 раларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани Ватани-
 мизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимизни
 янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон мус-
 тақиллигига 25 йил» эсдалик нишони мисолида
 ҳам соғлом она ва болани тарбиялаш, вояга етқа-
 зиш масаласи мамлакатимизнинг бугунги ва эр-
 танги тараққиёти билан бевосита боғлиқ масала
 эканини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.



ХУЛОСА

Азиз китобхон, сезган бўлсангиз керак, ой-
 лада, жамиятда она ва боланинг соғлом бўлиши
 ҳар бир кишининг дилига қанчалик яқин, инсо-
 ний масала эканини таъкидлаш учун ушбу ри-
 соламизда «Соғлом она ва бола йили» Давлат
 дастурининг энг муҳим йўналишлари билан
 бирга мавзумизга бевосита дахлдор бўлган
 адабий-баддий, ҳаётий мисолларга ҳам алоҳида
 эътибор қаратдик. Ҳақиқатан ҳам, мамлақати-
 мизда айна шу йўналишда, жумладан, «Соғлом
 она ва бола йили» Давлат дастури доираси-
 да амалга оширилаётган ишларни ҳар бири-
 миз кундалик ҳаётимизда кўриб, гувоҳи бўл-
 моқдамиз. Табиийки, ана шундай эзгу ишлар
 ҳаммамизнинг қалбимизда энг олийжаноб инсо-
 ний туйғуларни уйғотмоқда ва ана шундай қут-
 луғ ҳаракатда фаол иштирок этишга ундамоқда.

Юртимизда ўзининг касб маҳорати, самара-
 ли хизмати билан бу борада кўпчиликка ибрат
 бўлаётган ватандошларимиз кўп. Шулардан би-
 ри тажрибали шифокор, моҳир жарроҳ Жума-
 назар Бекназаровдир. Жуманазар ака 1946 йил
 4 майда Қашқадарё вилояти, Қамашни тумани,

Қамай қишлоғининг Оқғузар маҳалласида туғилган. 1971 йили Тошкент медицина институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг педиатрия факультетини тамомлаган. Шундан сўнг тиббиёт соҳасидаги ўқиш-ўрганишларини амалиёт билан боғлиқ ҳолда давом эттириб, дастлаб номзодлик, кейин эса докторлик тадқиқот ишини ҳимоя қилади. Кўп йиллик илмий-педагогик фаолиятининг натижаси сифатида профессор унвонига сазовор бўлади. Энг муҳими, Жуманазар ака, мана, 45 йилдирки, болалар саломатлигини асраш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, мураккаб жарроҳлик операцияларини муваффақиятли амалга ошириб, оғир касалликларга чалинган кўплаб ёшларни даволаб келмоқда.

Буюк аллома бобомиз Абу Али ибн Сино анъаналарининг муносиб давомчиларидан бири сифатида Жуманазар ака бадий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. Унинг «Бо-лангиз нега безовта?», «Тош балоси», «Гулдек нозик», «Изтироблар комидан», «Болаларга бағишланган умр», «Меҳр қуёши», «Она ва бола таянчи», «Манзилдан кейинги йўл», «Ватан ёниқ юрагим», «Комиллик ибтидоси» сингари китоблари нашр қилинган бўлиб, уларда ҳам инсон саломатлиги, она ва бола соғломлиги, инсон камолоти билан боғлиқ муҳим масалалар ҳақида фикр юритилади.

Шифокор инсоннинг эл-юрт оладидаги бурчи, жарроҳнинг масъулияти, севинч ва изтиробларини, ҳаётда ўзи деярли ҳар куни қалбидан ўтказадиган хиссиёт ва кечинмаларни муаллиф «Шифокор қувончи» шеърида алоҳида қаламга олган. Мазкур шеърда бу олийжаноб касбнинг моҳияти, беморнинг ҳаёти қил устида турган ҳал қилувчи, ўта қалтис лаҳзаларда жарроҳнинг Яратганга қилган илтижоси ва ундан мадад сўраши жонли образлар, таъсирчан бадий лаҳзалар орқали куйидагича ифода этилади:

Юлдузлар нигоҳи намланган маҳал,
Тўқинлар ҳайбати босар уммонни.
Сўнмаган умидлар боққанда маҳтал,
Эй Парвардигорим, сақлагил жонни.

Ёрқин камалакдек ниятларим бор,
Бошдан кечирдим кўп бахт деган онни.
Тилимда калима такрор ва такрор,
Эй Парвардигорим, сақлагил жонни.

Қора тун қавридан ажал кўз тикиб,
Иргада изғийди излаб имконни.
Юраклар шифони кутар интиқиб,
Эй Парвардигорим, сақлагил жонни.

Зафарли диёрнинг саҳнида эркин,
Толиқмай ўргандим тиббий кўрганни.
Амалий илмнинг кўрсатиб кучин,
Эй Парвардигорим, сақлагил жонни.

ҳар бир тиббий операция вақтида такрорланади. Беморнинг оғир дарага шифо топиш қанчалик қийин ва мушкул бўлса, бундай ҳис-ҳаяжонларни бошдан кечириш ҳам шунчалик мураккабдир. Жуманазар ака, моҳир ва тажрибали тиббиёт ходими бўлгани учун, бу нозик тўйгуларни теран ҳис этган ва уларнинг тасвири орқали бетакрор шеърини этюд, манзара яратган.

Жуманазар Бекназаров эл уюргимиз саломатлигини сақлаш йўлидаги самарали меҳнатлари учун «Шухрат» медали билан тақдирланган. Бу жонкуяр инсон 70 ёшда ҳам жарроҳлик ва бадий ижод соҳасидаги фаолиятини давом эттириб, ҳамкасблари, шогирдлари, ижодкор аўстларининг хурмат-эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

Халқимиз неча асрлардан буён орзу қилиб келган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биландиган, ёшларни ҳаётда тўғри йўлга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашга бошлаб, керакли пайтаа улардан зарур маслаҳат ва амалий ёрдамини аямайдиган бундай жонкуяр инсонларни ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳам кўплаб топиш мумкин. Айнан шундай меҳнаткаш ва камтарин инсонларнинг қўшаётган муносиби

Умидвор тикилган кўзларнинг ҳаққи,
Эй жон, тарк этма, қалб деган ошённи.
Орзунинг кўкарган кўксидан қалқчи,
Эй Парвардигорим, сақлагил жонни.

О, мўъжиза! Қувон! Эй, Онаизор,
Авайлаб-асраган ўзинг Инсонни.
Орзулар жилмайди майин, беозор,
Шукр, Парвардигорим, сақладинг жонни!

(Жуманазар Бекназар. Йиллар силсиласи. Тошкент, «Янги аср авлоди» нашриёти, 2015 йил, 108-бет)

Бу кичик шеъраа бутун тиббий операция жараёнининг бадий-фалсафий талқини, шифокор қалбининг манзараси мужассамдир. Жарроҳ ҳар сафар операция столи устида бир инсон умрини сақлаб қолиш учун ишга киришар экан, бамисоли жангга кирган мара баҳодирдек, хатарли дара билан бўладиган бу олишув нима билан тугашини олдиндан билмайди. Шунинг учун ҳам Парвардигорга мурожаат, мурожаат эмас, муножот қилиб, ишининг бароридан келишини сўрайди. Ўзбекистон табиатининг ҳассос куйчиси Ҳамида Олимжоннинг «Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади» деган машҳур сатрларида айтилганидек, шифокор учун ҳам бундай кечинма ва изтироблар

ОНА ВА БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА...

ҳиссаси туфайли ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган мақсад ва режаларимиз самарали амалга оширилмоқда. Юртимизда 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинишини бутун халқимиз қатори катта хурсандчилик билан кутиб олган, аюмо элу юрт ташвиши билан куйиниб яшайдиган, ўз касбининг устаси бўлган ана шундай юрдошларимиз мазкур йил муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини амалга оширишда ҳам кўпчиликка ибрат ва намуна бўладилар, деб ишонамиз.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
«Соғлом она ва бола йили»нинг мазмунини ва фалсафаси.....	15
«Соғлом она ва бола йили»нинг мақсади ва вазифалари.....	36
«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури.....	61
Муштарак тушунчалар.....	85
Хулоса	89

МУРТАЗО ҚАРШИБОВ

ОНА ВА БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА...


Тошкент «Маънавият» 2016

Мухаррир *С. Тошқулова*
Мусаввир *С. Шухрат*
Мусаххих *Д. Исмоилова*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия А1 №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 14.11.2016 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32'
«Атпо Рго» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи. 5,04. Нашр табоғи. 5,02.
3000 нусха. Буюртма № 16-80. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 38-16.

ISBN 978-9943-04-307-7



9 789943 043077

Mananva